O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ушбу сонда:
ХАТО ТАКРОРЛАНАДИМИ? 2
“НЕУСТОЙКА” ИНСТИТУТИ 3
ЭГРИ НИЯТ ЗАВОЛИ
ЕРНИНГ “ЎЗАГИ” СИРИ 4

**MEZON:**

**Истеъмолчининг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун тўланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.**

**Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.**

**“ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 22-МОДДА.**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 24 (380)
2004 йил 22 ИЮН сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

# ЭЗГУЛИК ВА ЗАРУРАТ ФАЛСАФАСИ

***Шу йилнинг 16-17 июн кунлари бўлиб ўтган ШҲТнинг олий даражадаги анжуманига Тошкент мезбонлик қилди.***



**МУҚАДДИМА**

Тошкент Декларациясини имзолаган ташкилотнинг пировард мақсади (стратегияси) аниқ эди: минтақа халқларининг тинч-осуда заминда фаровон ҳаёт кечиришига эришиш орқали ер куррасида осойишталикни таъминлашга ҳисса қўшиш. Бироқ мақсад нечоғли олижаноб ва жозибадор бўлмасин, унга элтувчи оқилона йўл ва самарали ечимлар излаб топилмас экан, бу муддаонинг рўёбга чиқиши мушкул. Хуллас, стратегия ва тактика бир-бирининг уйғунлашувини тақозо этади. Шу маънода Тошкент Саммити ШҲТ фаолиятига мукаммаллик бахш этди: ташкилот Хартияси стратегия бўлса, Тошкент Декларацияси эса тактика борасидаги кемтикни тўлдирди ва мақсад-вазифалардаги ноаниқликларга барҳам берди.

**“УЧ ЁВУЗ КУЧ”**

Бу иборани сиёсий мулоқотга Хитой расмий доиралари киритди. Терроризм, айирмачилик, экстремизм. Аксар ҳолларда бу уч атама ёнма-ён қўлланиши бежиз эмас, чунки одамзот бошига тушаётган ҳар бир риёкорликнинг ботинига назар ташласак, унда ана шу уч манфур кучнинг ёвуз башарасини кўрамиз, уларнинг ўзаро чатишиб кетганига гувоҳ бўламиз. Бундан кўринадики, инсоният ҳамжиҳатликда бу офатларга қарши самарали кураша оладиган инфратузилмаларни шакллантириши ва муқобил воситаларни ишга солиши даркор. Шу нуқтаи назардан ШҲТнинг бу борадаги амалий қадамлари эътирофга сазовор. Чунончи, мазкур ташкилотнинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолият бошлагани минтақада таҳдидларнинг олдини олиш учун яхлит бир тизим, умумий механизм шакллантирилаётганидан далолатдир. Эндиги вазифа эса Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **ҳозирги замондаги хавф-хатар ва хуружларга қарши Аксилтеррор тузилма доирасида ягона ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.**

**ХОТИРЖАМЛИККА АСОС БОРМИ?**

Инсониятни кўпдан-кўп кулфатларга гирифтор этаётган балолардан яна бири — наркоагрессия ёки наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишидир. Бу хуруж ҳақида алоҳида сўз очаётганимизнинг боиси бор, албатта. Зеро, наркотрафик орқали топилаётган нопок пуллар одамзодни юрагини ҳовучлаб яшашга мажбур этаётгани кундай равшан.

Афсуски, ён қўшнимиз Афғонистон ҳамон наркотик моддалар етиштирувчи асосий плантация бўлиб қолмоқда. Бу йил мамлакатда бу борадаги аҳвол ташвишланарли тус олгани ўринли хавотирларга сабаб бўлмоқда. Мамлакатда 2001 йилда кўкнори экилган майдонлар 1685 гектарни ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 61 минг гектарга етди. Бу йил эса 120 минг гектар майдонида кўкнори ўстирилмоқда, деган тахминлар бор.

Тошкент Саммитида иштирок этган Афғонистон ўтиш ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай наркотик моддалар етиштиришнинг ошганлигини жиддий муаммо сифатида эътироф этиб, уни ҳал қилиш учун нафақат Афғонистон, балки минтақа ва халқаро ҳамжамият даражасида самарали ечимлар ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Афғонистонда марказлашган давлат шаклланаётган бўлса-да, аҳоли муқим даромад манбалари йўқлиги сабабли тирикчилик важидан турли ишларга қўл уришга мажбур бўлаётганини тушуниш қийин эмас. Ана шундай вазиятни ҳисобга олсак, мамлакатда иқтисодиёт тармоқлари ва инфратузилмаларини оёққа турғизиш наркотаҳдидларга қарши курашда энг мақбул ечимдир. Шу нуқтаи назардан Россия Президенти Владимир Путин томонидан билдирилган ШҲТнинг Афғонистон бўйича мулоқот гуруҳини тузиш таклифи катта аҳамиятга эга. Зеро, ШҲТнинг Афғонистон муаммосини ҳал этишда етарли даражада салоҳияти мавжуд. Бу ўринда шуни унутмаслик кераки, афғон заминида тиклаш ишларига ҳисса қўшган мамлакат аввало, ўз хавфсизлиги ва барқарорлиги пойдеворини мустаҳкамлаган бўлади.

**ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИККИ ҒИЛДИРАГИ**

ШҲТ фаолияти ҳақида сўз кетганда, “икки ғилдирак” — хавфсизлик ва иқтисодиёт масаласи ёнма-ён тилга олинаяпти. Ташкилот доирасида савдо-иқтисод бўйича қабул қилинаётган қарор ва ишлаб чиқилаётган дастурлар ягона мақсад — улкан ҳудудда кенг маънодаги савдо-иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик маконини юзага келтиришга қаратилган. Бу борадаги кўп томонлама ҳамкорликнинг яқин йигирма йиллик дастури тасдиқланган бўлса, ҳозирда 143 та кўламдор лойиҳалар тайёрланмоқдаки, бу саъй-ҳаракатлар ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлида амалий қадамлар ташланаётганини кўрсатади. Ташкилотнинг ташкил этилажак Тараққиёт фонди эса бу каби манфаатли лойиҳаларни молиялаш борасида муаммога ўрин қолдирмайди. Хитой ҳукуматининг ШҲТга аъзо мамлакатларга 900 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишга қарор қилгани ташкилотнинг ана шу ўзига хос банкини шакллантиришда муҳим қадам деб баҳоласак, хато бўлмайди.

ШҲТ олдида чегара, божхона, транзит ва тарифлар борасида ўзаро мослаштирилган тизимни шакллантириш орқали савдо ҳамда сармоя учун қулай шароит яратиш вазифаси турибди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда умумий бозорни яратиш ташаббуси эса бу каби ишларнинг яхлит мажмуини қамраб олади ва минтақа мамлакатларининг туб стратегик интилишларига жавоб беради.

Бу каби интилиш ва истаклар Тошкент Декларациясида лўнда тарзда ўз аксини топди: **“ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида маҳсулот айирбошлаш ҳажмини ошириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликка замонавий тус бериш, меъёрий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, маҳсулот, сармоя, хизмат ва технологияларнинг эркин ҳаракатланиши учун доимий қулай шароит яратиш каби одимларни муҳокама этиш муҳим аҳамият касб этади”.**

**ИСТИҚБОЛ ҲАҚИДА МУШОҲАДА**

Бугунги воқеалик дунёга “блок” кўзи билан қараш вақти ўтиб, халқаро муносабатларда янгича анъана ва парадигмалар шаклланаётганини кўрсатмоқда. Шу маънода ШҲТ фаолияти ҳамкорлик, очиқлик ва тенглик тамойилларга амал қилган, минтақада яшовчи халқлар манфаати асосига қурилган тақдирдагина ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши муқаррар.

Ташкилот фаолиятининг кенгайиши билан боғлиқ масала бевосита унинг истиқболга дахлдор. Бу борада аъзо давлатларнинг узоқни кўзлаб сиёсат юритаётганини қайд этиш жоиз ва бу ҳолни икки омилга кўра изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ўтган вақт мобайнида ташкилот асосан ташкиллашув жараёнини бошдан кечирди. Дейлик, шу пайтгача ШҲТ қошидаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги Низом йўқ эди. Тошкент Саммитида ана шундай ҳужжат тасдиқлангач, бундай мақом биринчи бўлиб Мўғулистонга берилди. Иккинчи омил сифатида Президент Ислом Каримовнинг ШҲТ дунёда муносиб обрў ва мавқега эришиши ҳамда унга аъзолик буюк шараф даражасига етгунча ташкилотга янги вакиллар қабул қилишга шошилмаслик ҳақидаги ўринли таклифини кўрсатиш мумкин.

Умуман, ташкилотнинг уч йиллик босиб ўтган йўли унинг келажагига ишонч билан қарашга умид уйғотади: ўтган вақтда ташкилот шаклланиш жараёнини бошдан кечирган бўлса-да, унинг шу аснода қўлга киритган ютуқлари салмоқли, ташлаган одимлари шиддаткор ва самарали бўлди.

**СЎНГСЎЗ ЎРНИДА**

Тарихга назар солсак, тараққиётни эзгуликка йўғрилган тафаккур, ғоя олдга силжитганига гувоҳ бўламиз. Инсониятни юксак тараққиёт даври — XXI асрга олиб келган омил ҳам эзгу тафаккур меваларидир. Шу нуқтаи назардан ШҲТ фаолиятига баҳо бериб, у бутун мақсад вазифалари-ю ният-интилишларига кўра эзгулик фалсафаси десак, адашмаймиз. Эътиборли жиҳат шундаки, бу фалсафанинг тарихий илдизлари чуқур ва теран — у минтақа халқларининг ўзаро борди-келдиси рамзига айланган Буюк Ипак йўлидан қувват олиб, озиқланиб турибди.

Бунга қўшимча сифатида айтадиган бўлсак, ШҲТ тадрижий ривожининг ташкиллашув жараёнини ниҳоялаб, энди фаолиятининг амалий даврига қадам қўйган халқаро институт сифатида намоён бўлмоқда. Келгусида бу ташкилот ўз ишини такомиллаштириб бораверишi шубҳасиз. Зотан, ШҲТ фаолияти эзгулик ва зарурат фалсафасига таянади.

**Мадамин САФАРОВ,**
**шарҳловчи**

**Ajab savdolar**

# НОҚОНУНИЙ ЖАРИМА

## У ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛИШИГА САБАБ БЎЛДИ

Назорат қилувчи идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаши Фарғона шаҳар ҳудудий комиссиянинг жорий йилнинг 13 февралдаги қисқа муддатли текшириш ўтказиш ҳақидаги рухсатномаси ва Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармасининг 11 февралдаги 80-С-сонли ҳамда Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг 13 февралдаги 0267-Ю-сонли буйруқларига асосан Фарғона шаҳридаги “Наргиза-96” хусусий фирмасида қисқа муддатли текширув ўтказилади.

Текшириш якуни бўйича аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошқармаси томонидан “Наргиза-96” хусусий фирмасига нисбатан 800245 сўм молиявий жарима қўлланилади. Ва орадан кўп ўтмай фирманинг ҳисоб рақамидан 594785 сўм пул маблағи “инкасса” топшириқномаси билан ундириб ҳам олинади.

Бундан ташқари, фирма сотувчиси А.Умаровага нисбатан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 164-моддаси 1-қисми билан маъмурий жарима тайинланади ва 172690 сўмлик товарлар олиб қўйилади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, бундай жарима қўлланиши амалдаги қонунчиликка нечоғли мос келади? Тадбиркорни маъмурий жавобгарликка тортиш-чи?

Шуни айтиш керакки, бу саволларга “Наргиза-96” хусусий фирмасининг раҳбари М.Қурбоналиевнинг Фарғона вилояти адлия бошқармасига ёзган аризаси ойдинлик киритади.

Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2003 йил 10 август кунги 4/1-Г-сонли қарорига асосан “Наргиза-96” хусусий фирмасига қисқа муддатли текшириш учун Фарғона шаҳар ҳудудий комиссиясининг текширишга рухсат бериш учун асос бўлган ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, мазкур текшириш солиқ хизмати ходими А.Тожиматов ва инкасса хизмати ходими Р.Юнусовнинг 2004 йил 12 феврал куни “Наргиза—96” фирмаси кам пул топширди, деган маълумотномаси ҳамда Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг Қисқа муддатли текширишлар ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш сектори бошлиғи И.Шерматовнинг билдиргисига асосан берилган. Мазкур рухсатнома Кенгашнинг Фарғона шаҳар ҳудудий комиссияси котиби А.Салайдинов томонидан расмийлаштирилган ва Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи М.Мирзаев томонидан тасдиқланган.

*(Давоми иккинчи бетда)*

**E`tirof**

***Яқинда юртимизга Миср Араб Республикасида чоп этиладиган энг нуфузли нашрлардан бири “Ас Сиёсий” газетасининг муҳаррири, таниқли сиёсатшунос, Ўзбекистон ҳақидаги туркум мақолаларнинг муаллифи Муҳаммад Салома ташриф буюрди. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида Муҳаммад Саломанинг мамлакатимизда март ойининг сўнгги кунларида юз берган воқеалар ҳақидаги мақоласини самимий эътироф этгани ҳаммамизга яхши маълум. Қуйида муҳтарам меҳмон билан Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг раҳбари Қуддус Аъзамовнинг мулоқоти чоп этилмоқда.***

# “ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ЭГА ЮРТ”

## — ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА МИСРЛИК МЕҲМОН

**— Муҳаммад Салома жаноблари, аввало, Ўзбекистонга хуш келибсиз. Сиз мамлакатимизга илгари ҳам келгансиз. Одатда, четдан кузатган киши кўпроқ нарсани сезади. Сизнинг назарингизда, мамлакатимизда қандай янгиланиш ва ўзгаришлар юз бермоқда?**

— Дарҳақиқат, Ўзбекистонга илгари ҳам келганман. Ҳар гал келганимда жуда катта ўзгаришлар рўй бераётганининг гувоҳи бўлаяпман. Шу жараёнларнинг ичида бўлганингиз учун ҳам улар сизга унчалик сезилмаслиги мумкин. Бироқ четдан кузатган ҳар бир кишини бу ўзгаришлар ҳайратга солмай қолмайди. Гўзал юртингизни кезиб, меҳмондўст ва оққўнгил одамлар билан учрашиб, олам-олам таассурот олдим, юртингизга бўлган муҳаббатим янада ортди.

Мен қарийиб 20 йилдан буён Ўзбекистонни кузатиб келаман. Шўро замонида юртингиз қай аҳволда эканини ўз кўзим билан кўрганман. Эски тузум билан мустақиллик ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Халқингиз Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўтган қисқа даврда Ўзбекистон деган янги давлат барпо этди, уни дунё тан олди. Тарих учун ўта қисқа муддат ичида мамлакатингиз ҳар томонлама тараққий этди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида минтақада ҳам, дунёда ҳам ўз мавқеига эга бўлди.

**— Бугунги кунда келиб халқаро терроризм асримиз вабосига айланди. Вазият унинг асл моҳиятини фош этиш ва унга қарши биргалашиб курашишни тақозо қилмоқда. Минг афсуски, террорчилар муқаддас ислом динини ниқоб қилишга уринмоқда. “Ислом фундаментализми”, “ислом радикализми” деган иборалар пайдо бўлди. Мазмун ва моҳияти инсонпарварлик ва эзгуликдан иборат бўлган муқаддас динимизни террорчилардан ҳимоя қилиш вақти келмадими?**

— Ҳақиқатдан ҳам, бу жуда долзарб муаммо. Уни чуқур таҳлил қилиш керак. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, ислом динининг терроризмга ҳеч қандай алоқаси йўқ! Ислом эзгулик ва инсонпарварлик дини. Исломда нафақат одам ўлдириш, балки бировнинг дилига озор бериш ҳам қораланади. Динни ниқоб қилиб олганларнинг нопок муддаоси битта – бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиш, қўрқитиш воситасида ҳокимиятни қўлга олиш, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш. Терроризмнинг дини ҳам, ватани ҳам, миллати ҳам йўқ. Бир ҳовуч кимсаларнинг дин номидан гапириши ёки бошқалар устидан ҳукм чиқаришга уриниши ёвузликдан бошқа нарса эмас. Ахир, тилда мусулмончиликни даъво қилиб, амалда бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлаётган кимсаларнинг Исломга қандай дахли бор?! Баъзи кишилар шу ерда адашиб, терроризмга диний тус беришга ҳаракат қилади. Бу жуда қўпол хато. Сиз айгандек, террорчилардан муқаддас динимизни ҳимоя қилишимиз керак. Айрим Ғарб мамлакатларида Ислом дини ҳақида нотўғри тушунчалар пайдо бўлмоқда. Бунга террорчилар айбдор, қолаверса, дунёда ўзини бошқа динга мансуб деб биладиган террорчилар ҳам бор. Биз Ислом дини – бағрикенглик, кечиримлилик, адолатга чорловчи дин эканлигини кенг кўламда тарғиб қилишимиз, жаҳолатга қарши курашишимиз керак.

**— Маълумки, демократик тараққиёт йўлини танлаган Миср ҳам халқаро терроризмдан азият чеккан мамлакатлар қаторига киради. Сизнинг мамлакатингизда жаҳолатга қарши кураш қандай кечди ва бундай қўпорувчиликнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?**

– Тўғри айтдингиз, бу бало бизнинг халқимиз бошига кўп азоб-уқубатлар солган. Миср ҳам Ўзбекистон сингари ўз вақтида демократик тараққиёт йўлини танлаган. Халқаро террорчилар айнан мана шунга қарши. Улар демократик жамият берган имкониятлардан, яъни эркинликдан айнан демократияга қарши кураш учун фойдаланмоқда. Биз терроризмдан нафақат динимизни, балким демократияни ҳам ҳимоя қилишимиз керак. Барча мамлакатларда, хусусан, ислом мамлакатларида ўзининг қонунчилик тизими мавжуд. Бу мамлакатлардаги қонунлар бирон-бир шахс ёки гуруҳ томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас. Акс ҳолда давлат тизими анархияга айланиб қолади.

*(Давоми учинчи бетда)*

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, дастлабки одимларни иқтисодиётни ислоҳ қилиш, яъни мулкни ўз эгаларига топшириш, мулкдорлар тоифасини қўллаб-қувватлашдан бошлади.***

***Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ислоҳотнинг маъноси шуки, мулк эгасига етиб бориш керак. Мулкдор одамнинг ҳар томонлама эркинлигини таъминлаб беришимиз ва буни улар ўз фаолиятида ҳис қилиши лозим.***

# МУЛКДОР БЎЛИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯМИ?

Мулкдорлар тоифасини шакллантириш мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш билан боғлиқдир. Хусусийлаштириш ва кичик бизнесни ривожлантириш жараёни натижасида ҳозирги пайтда хусусий корхоналар, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар, жамоа мулки корхоналари, фермер хўжаликлари мамлакатимиздаги корхоналарнинг умумий сонини 80 фоиздан ортиғини ташкил этади. Бугунги кунда хусусийлаштириш жараёни янги босқичга қадам қўйди, яъни йирик тузилмаларни ташкил этувчи корхоналар хусусийлаштириш объектига айланмоқда. Хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичига хос хусусият акцияларнинг асосий қисмини фонд бозорида, жумладан, хорижий инвесторларга ҳам эркин сотувга чиқариб, йирик корхоналарни кенг кўламда акционерга айлантиришда кўринмоқда. Бу, бир томондан, корхоналар акцияларига эгалик қилувчи мулкдорлар сафини кенгайтирса, иккинчи томондан ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига аҳоли ва хорижий сармоядорлар маблағларини жалб этиш имконини беради.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя киритган энг йирик инвесторлар Корея, АҚШ, Россия ва Европа мамлакатлари ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодиётга хорижий капитални тўғридан-тўғри йўналтириш мақсадида кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш, инвестиция фаолияти учун янада қулайроқ муҳитни яратиш вазифаси қўйилган.

Хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичида корхоналар низом жамғармаларидаги давлат улушини кескин камайтириш, уларни асосан стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналардагина сақлаб қолиш назарда тутилган. Шу билан бирга хусусийлаштиришдан кўзланган асосий мақсад акциядорларнинг иштироки ва фаолиятини оширишдир. Улар акциядорлик жамиятига айлантирилган корхоналарнинг ҳақиқий эгаларига айланиши, ишлаб чиқаришни бошқаришда фаол иштирок этишлари керак.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ҳақиқий мулкдорлар тоифасини шакллантиришнинг асосий йўналиши хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини таъминлашда кўринади. Мулкдорни ва хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш механизмини кучайтиришни назарда тутади. Бу ўз навбатида **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги қонунга асосан, бошқа меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришни тақозо этади. Истиқболда иқтисодиёт таркибидаги кичик тадбиркорликнинг ҳиссасига ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг кам деганда чорак қисми тўғри келишига ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг ярмига яқини бу соҳада банд бўлишига эри-

**Bugunning gapi**

шиш лозим бўлади. Бизнинг шароитимизда сон жиҳатдан тез ўсаётган аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми бандлигини таъминлаш муаммосининг ҳал этилиши кичик тадбиркорлик ривожига боғлиқ. Бу мақсадга эришиш учун барча имкониятларни ишга солиш — кичик корхоналарни ташкил қилиш тартибини, тадбиркорлик тузилмаларини, айниқса, халқаро молиявий ташкилотлар томонидан ажратилган кредит заҳираларидан фойдаланиш механизмини соддалаштириш лозим. Кичик тадбиркорликнинг молия, банк ва бошқа тузилмалари, шунингдек, йирик товар ишлаб чиқарувчилар билан ўзаро алоқасини такомиллаштириш, кичик тадбиркорликни бошқаришни бозор шароитида ишлаш малкасига эга бўлган ходимлар билан мустаҳкамлаш зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга, жойларда кичик корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатли, давлат стандарти талабларига жавоб бериши шарт. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

*(Давоми иккинчи бетда)*

# НОҚОНУНИЙ ЖАРИМА

## У ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛИШИГА САБАБ БЎЛДИ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Шу билан бирга Давлат солиқ инспекция ходими томонидан расмийлаштирилган 2004 йил 12 феврал кунги маълумотноманинг асослилиги ўрганиб чиқилганда, "Наргиза-96" фирмаси томонидан 2004 йилнинг 10 феврал куни 20400 сўм, 11 феврал куни 19490 сўм, 12 феврал куни 10750 сўм, 13 феврал куни эса 17290 сўм накд пул инкассация қилингани, хизмат кўрсатувчи банк томонидан мижозни накд пул топширилиши юзасидан мунтазам равишда кам топширилаётгани ёки топширилмаётгани ҳақида Давлат солиқ инспекциясига расмий маълумотнома берилмагани аниқланди.

Бундан ташқари, Давлат солиқ инспекцияси ҳамда инкассация ходимлари томонидан расмийлаштирилган маълумотномани солиқ ходими А.Тожиматов тўлдириб, унда 9 та хўжалик юритувчи субъектлар 2004 йил 12 феврал куни накд пул топширмагани тўғрисида маълумот қайд этилган. Сўнгра унга Давлат солиқ инспекцияси ходими томонидан "Наргиза-96" фирмаси кам пул топширди, деган қўшимча ёзув киритилган. Мазкур ҳолат юзасидан инкассация ходими А.Юсупов 12 феврал кунидаги маълумотномада 9 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нақд пул топширмагани ҳақидаги маълумотлар ҳақиқатдан ҳам, киритилганини, лекин "Наргиза-96" фирмаси кам пул топширгани тўғрисидаги маълумот солиқ ходими томонидан маълумотнома имзолангандан сўнг киритилганини, шунинг учун унга жавоб бермаслигини баён этди.

Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2002 йил 10 август кунги 4/1-Г-сонли қарорида солиқ идораларининг ҳудудий идораларига режадан ташқари қисқа муддатли текширишга рухсат бериш ваколати берилган. Бироқ мазкур рухсатлар **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини Давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонуннинг 12-моддаси ҳамда Адлия вазирлигидан 1029-сонли билан рўйхатдан ўтган **"Назорат қилувчи идоралар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 16-бандида режадан ташқари текшириш ўтказиш учун назорат қилувчи идорага хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушган бўлиши, қўшимча маълумот сифатида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг қонунбузилиш ҳолатлари аниқ исботланган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумоти хизмат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур ҳолатлардан кўринадики, "Наргиза-96" фирмасида қисқа муддатли текшириш ўтказишга рухсат бериш жараёнида юқорида қайд этилган қонун ва Низомнинг талаблари бузилган. Аниқроқ айтганда, Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходими А.Тожиматов томонидан "Наргиза-96" фирмаси кам пул топширди, деб маълумотнома имзолагандан сўнг киритган ёзув асос бўлган. Текширишга рухсат бериш жараёнида хизмат кўрсатувчи банкдан хўжалик юритувчи субъект томонидан доимий равишда нақд пул топширилмаётгани тўғрисида ёки нақд пул топширишни камайтириб юборгани ҳақида таҳлилий қўшимча маълумотлар олинмаган.

Фарғона вилояти адлия бошқармаси шуларга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарорининг 7-банди ва 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарорига асосан Фарғона вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи С.Низомов номига шу йилнинг 2 март куни 12-82-сонли тақдимнома киритган эди.

Тақдимнома вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан кўриб чиқилиб, у тўлиқ қаноатлантирилди. Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг шу йил 12 март кунидаги 43-Р—сонли буйруғи билан солиқ ходими А.Тожиматовга "хайфсан" интизомий чораси берилди. Бундан ташқари, текшириш давомида тузилган далолатномалар ҳақиқий эмас деб топилиб, бекор қилинди. Текшириш якуни бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан вилоят Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг қарори билан "Наргиза-96" фирмасига нисбатан 800245 сўм молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарори ҳамда фирма сотувчиси А.Умаровага нисбатан МЖТКнинг 164-моддаси 1-қисми билан қўлланилган меъёрий жарима ҳам бекор қилиниб, олиб қўйилган 172690 сўмлик товарлар қайтариб берилди.

**Ajab savdolar**

Ушбу ноқонуний текшириш натижасида фирмага нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳамда молиявий жаримани ундириш учун фирманинг ҳисоб рақамидан 594785 сўм пул маблағини "инкасса" топшириқномаси билан ундириб олиниши натижасида 167840 сўмлик фойда бой берилган. Шунингдек, бу ҳол фирма раҳбарига нисбатан катта миқдорда маънавий зарар етказилишига олиб келган. Фуқаролик кодексининг 985-моддасида зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асослари кўрсатилган. Бундан ташқари, ушбу кодекснинг 1000-моддасида **"биргаликда зарар етказган шахслар жабрланувчининг олдида солидар тартибда жавобгар бўладилар"** деб қайд этилган.

Ана шу қонуний асослардан келиб чиқиб, адлия бошқармаси Фарғона шаҳридаги "Наргиза-96" хусусий фирмасининг раҳбари М.Қурбоналиевнинг манфаатини кўзлаб Фарғона шаҳар туманлараро фуқаролик судига шу йилнинг 29 апрел куни даъво аризасини киритди. Демак, тез орада хусусий тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқи тикланди.

Хуллас, биргина қонунбузарлик шунча ғавғога сабаб бўлди. Энди ундан тегишли хулоса чиқариш ҳар кимнинг ихтиёрига ҳавола...

**Маҳмуджон ТОЖИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Muloqot**

# БЕШ САВОЛГА БЕШ ЖАВОБ

**САВОЛ:** ***Фуқароларнинг пенсия олиш ҳуқуқи қандай белгиланган?***

**ЖАВОБ:** Қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда пенсия олиш ҳуқуқи фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи саналади. (Конституциянинг 39-моддаси). Бу ҳуқуқнинг рўёбга чиқарилиши давлат томонидан ҳар томонлама кафолатланади. Бу пенсиялар "меҳнат пенсиялари" деб юритилиши ва уларни олиш ҳуқуқининг юзага келиши фуқаронинг (марҳум фуқаронинг) аввалги даврда меҳнат фаолияти билан шуғулланганлиги ва унинг учун давлат ижтимоий суғурта бюджетидан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаб келинганлигига (иш стажи мавжудлиги ва унинг миқдорига) боғлиқ бўлади.

Белгиланган миқдорда меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларга меҳнат пенсияси тайинланмайди ва бундай шахсларга тегишли (қарилик, ногиронлик, боқувчисидан маҳрум бўлганда) ҳолларда бюджет ҳисобидан нафақа тайинланиши мумкин.

**САВОЛ:** ***Фуқаронинг ёшига доир пенсия олиш ҳуқуқи қачон пайдо бўлади?***

**ЖАВОБ:** Умумий қоидага кўра, умумий асосларда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи эркаклар 60 ёшга етганда ва камида 25 йил, аёллар 55 ёшга етган ва камида 20 йил меҳнат стажига эга бўлганида юзага келади. 1999 йилни "Аёллар йили" деб эълон қилиниши муносабати билан аёлларга қўшимча имтиёз тариқасида бевосита меҳнат стажи йигирма йилдан кам бўлмаган аёлларга белгиланганидан 1 йил олдинроқ — 54 ёшдан ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилди.

Булардан ташқари, муайян асослар мавжуд бўлганида фуқароларга имтиёзли шартларда (белгиланганидан эртароқ ёки камроқ меҳнат стажи талаб этилгани ҳолда) ёшга доир пенсия тайинлаш назарда тутилган.

**САВОЛ:** ***Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқариш, муассаса, иш, касб, лавозим ва кўрсаткичлар рўйхати нимадан иборат?***

**ЖАВОБ:** Мазкур рўйхат Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб (кейинчалик қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган), унда имтиёзли шартларда (муддатидан аввал ёки белгиланганидан камроқ иш стажи талаб қилинган ҳолда) ёшга доир пенсия таийнлашга асос бўладиган ишлар ва касблар назарда тутилган.

Пенсияга чиқишда имтиёз берадиган ишлаб чиқариш, муассаса, иш, касб, лавозим ва кўрсаткичлар назарда тутилган бундай ҳужжат 3 та мустақил рўйхатлардан иборат бўлиб, ҳар бир рўйхатда кўзда тутилган касб ва иш турлари пенсияга чиқувчи фуқарога турли хоҳишда имтиёз берилишига сабаб бўлади.

Биринчи рўйхатда назарда тутилган ишлар (касб, вазифа, лавозимлар)да муайян муддат давомида ишлаган (белгиланган махсус меҳнат стажига эга бўлган) шахсларга уларни ёшидан қатъи назар ёшга доир пенсия тайинланади.

Иккинчи сонли рўйхатда кўзда тутилган ишлар (касб, вазифа ёки лавозим) белгиланган муддат давомида (тегишли миқдорда махсус меҳнат стажига эга бўлган) шахслар умумий қоидага назарда тутилганлигидан 10 йил аввал пенсияга чиқиши мумкин.

Учинчи сонли рўйхатда назарда тутилган иш касб ёки лавозимларда муайян вақт давомида ишлаган (тегишли махсус иш стажига эга бўлган шахслар) ёхуд имтиёз берилишига асос бўладиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, (масалан 1 ва 2 гуруҳ ногирони эканлиги; 5 ва ундан ортиқ бола туғиб, уларни 8 ёшгача тарбиялагани ва ҳоказо) белгиланганидан 5 йил аввал ёшга доир пенсияга чиқиши мумкин.

**САВОЛ:** ***Тўлиқсиз меҳнат стажи билан ҳам ёшга доир пенсияга чиқиш мумкинми?***

**ЖАВОБ:** Ҳа, мумкин. Талаб этиладиган меҳнат стажига эга бўлмаган (эркаклар 25 йилдан, аёллар 20 йилдан кам) ҳолларда ҳам пенсия тайинланиши мумкин. Аммо бундай пенсия тўлиқ пенсия бўлмасдан мавжуд меҳнат стажига муносиб бўлади ва одатда тўлиқ пенсиянинг бир қисмини ташкил қилади.

**САВОЛ:** ***Белгиланган муддатдан аввалроқ ҳам пенсияга чиқиш мумкинми?***

Ҳа, чиқиш мумкин. Бунда технологиядаги ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятини ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмини қисқарганлиги ёки корхона тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод қилинган ва меҳнат бўлимларида ишсиз деб эътироф қилинган эркаклар 58 ёшга тўлган ва камида 25 йил иш стажига эга бўлган, аёллар 53 ёшга тўлган ва камида 20 йил иш стажига эга бўлганда, муддатдан олдин пенсияга чиқишга ҳақли.

**Саволларга жавобларни юридик фанлари номзоди Муборак УСМОНОВА тайёрлади.**

**Dakki**

*Бундан роппа-роса икки йил олдин Оқ-олтин туманидаги "Деҳқонбой" фермер хўжалиги "Оқ-олтин МТП" ҳиссадорлик жамияти билан техника хизмати кўрсатиш бўйича 2-99-сонли шартнома тузди-ю, июн ойи келса-да, хўжалик комбайни ўзи кириб келишини кутиб, ялла қилиб юраверди. Шунда кимдир унга йил бошида тузилган шартномадан ташқари яна комбайн қачон келиши лозимлигини кўрсатиб буюртма ҳам бериш зарурлигини эслатди.*

# ХАТО ТАКРОРЛАНАДИМИ?



Фермер шошиб «МТП»га буюртма бериш учун борганида 16 июн эди. Бироқ «МТП»даги раҳбарлар турли баҳоналарни рўкач қилиб, фермернинг буюртма учун аризасини қабул қилишмади. Ҳолбуки, шартномага кўра фермер хўжалиги «МТП»га 248 минг сўм ўтказиб берган, бироқ зарур механизация хизматидан фойдалана олмай келаётган эди. Ниҳоят, 22 июнга боргач, «МТП» бош ҳисобчиси Х.Жўраев фермернинг аризасини қабул қилди.

Бироқ «МТП» фермерга 12 июл куни комбайн жўнатди. У оралатиб икки кун ўт босмаган жойларни ўрди. Бир комбайн бир бункер дон тўккач, унинг ўрнига бошқаси келди. У ҳам икки бункер дон тўккач, ўт босган жойни ўролмаслигини айтиб жўнаворди.

Фермер хўжалиги раҳбари К.Деҳқонов ғаллани қутқариб қолиш мақсадида ўз ёнидан пул сарфлаб, "Енисей" комбайни топиб келтирди. Шунда ҳам 6 гектар майдондаги ғаллани ўрдириб олишга улгурди, холос.

Фермер хўжалиги ғалласини билганлар "аттанг" деб қолишди. Чунки май ойидаги апротация натижасига кўра, К.Деҳқонов даласидаги ғалла туманда ҳам энг яхши деб тан олинган эди. Комбайн келавермагач, фермер ўша мутахассислардан иборат комиссия туздириб, ғалла ҳосили яроқсиз ҳолга келиб қолгани тўғрисида далолатнома туздирди. Лекин бундай қоғоздан кимга фойда дейсиз — чунки энди ҳосилни йиғиштириб олиб бўлмасдида... Буни «МТП» оператори Э.Ғофуров ҳам тасдиқлади. Унинг айтишича, тахминан 9-10 гектар майдондаги буғдойнинг ўти камроқ жойларини ўрган. Икки тележка буғдой чиққан. Далани шўра босгани учун оралатиб ўраётган пайтда туман ҳокими бошқа жойга бориш учун топшириқ бериб қолибди. Ўшанда ғалла ва ўтлар аралашиб кетиб, дон хўл бўлиб кетган ва хашаги силосга ўхшаб қолган.

Хуллас, "Оқ-олтин МТП" шартномада белгиланган 26 гектар майдондаги ғаллани ўз вақтида ўриб бермай, фермер хўжалигига катта миқдорда моддий зарар етказади. Шу боис "Мадад" адвокатлик бюроси орқали "Деҳқонбой" фермер хўжалиги вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритади. Аризада олинмай қолган фойда, ҳақиқий зарар, жарима ва устама – жами 3528933 сўмлик маблағ "Оқ-олтин МТП" ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан ундириш сўралган эди.

Суд ҳар икки томонни тинглаб ва ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантиришга қарор қилди. Чунки даъвогар 20 гектар ғалла даласи ўрилмаган деб кўрсатма берган бўлса-да, аслида "Кейс"лар оралатиб 18 гектар майдонни ўрганини жавобгар томон исботлади. Шунингдек, даъвогар жами ўриладиган ва шунинг учун тўланадиган жами маблағдан келиб чиқиб, даъво қилмаган. Унинг маблағидан 15 фоизи бўйича даъво қилиш мумкин эди. Шу боис жавобгардан фақат жарима ундирилди, устама ундириш тўғрисидаги даъво талаби эса рад этилди.

Хуллас, «МТП» ҳиссадорлик жамияти ҳисобидан фермер хўжалиги фойдасига қарз маблағи, шартномадаги бажарилмай қолган хизмат миқдори ва кўрилган зарар ҳисобидан 1813785 сўм ундиришга қарор қилинди.

Мана, бу йил ҳам Оқ-олтин туманида буғдой ўрими авжида. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: яна ўтган галги хатолар такрорланаяптимикан? Агар «МТП» шартномадан кейин хизмат пулини олиб туриб, яна қўшимча буюртма бермагансан, деб баҳона излаётган бўлса, ҳосилнинг баракаси учиши аниқ. Ишқилиб, хизматчига инсоф кирган рост бўлсин-да...

**Тоҳир ТОЖИБОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдулазиз ЯХШИҚУЛОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Qonun dastagi**

***Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2003 йил 2 чоракка белгиланган режа жадвалида Избоскан туман статистика бўлимига "Жамшид" хусусий дорихонасида текшириш ўтказиш 2003 йилнинг 1 апрелидан 30 апрел кунига қадар белгиланган эди. Бўлим бошлиғининг буйруғи билан бўлим ходими Қурбонали Нажмиддинов 2003 йил 30 апрел куни текшириш ўтказиш учун хизмат сафарига юборилади. Бироқ у дорихонада текшириш ишларини 2003 йил 16 июн куни ўтказади.***

— Статистика бўлими ходими Қурбонали Нажмиддинов менга қарашли дорихонада 2003 йил 16 июн куни текшириш ўтказди. — дейди дорихона мудири Санобар Раҳмоналиева. — Лекин бу ҳақда **«Текширишларни рўйхатга олиш Китоби»**га тегишли ёзув киритмади. Аммо кейинчалик Китобга тартиб рақамини ўзгартириб, гўё 16-сонли буйруқ ассида 30 апрел куни текшириш ўтказганини ёзиб қўйибди. Ҳақиқий текшириш ўтказилган куни, яъни 2003 йил 16 июн кунлари турмуш ўртоғим вафот этган, мен ва оилам учун жуда оғир кунлар эди. Шундай бўлса-да, текшириш ўтказилиб жаримага тортилдим.



# МЕНСИМАСЛИК ОҚИБАТИ

Хўш, бундай ноқонуний текширишни статистика идорасида масъул ходим бўлган Қурбонали Нажмиддиновнинг ўзи қандай изоҳлайди?

"Далолатномани ёзишда компьютерда ишлаётган ходимнинг эътиборсизлиги туфайли, — деб ёзади у ўз тушунтириш хатида. — 2003 йил 30 апрел ўрнига 16 июн 2003 йил деб, дорихона жойлашган Аўғимбек қишлоғи ўрнига Яккатут қишлоғи деб нотўғри ёзилган.

Ҳисобот куни бўлгани учун мен ўқимасдан, дорихона бошлиғи Санобар Раҳмоналиевага имзо қўйдириб, уни "иш"га тикиб юборибман".

Масъулиятсизликни қарангки, текширувчи дорихона жойлашган жойни тушунтириш хатида ҳам нотўғри кўрсатган. Аслида дорихона Пойтуғ шаҳрида жойлашган эди. Ушбу ноқонуний текшириш Андижон вилояти адлия бошқармасининг 2004 йил биринчи ярим йилликда белгиланган иш режасига асосан туман статистика бўлими фаолияти ўрганилганда ошкор бўлиб қолди. Белгиланган муддатдан бир ярим ой кейин текшириш ўтказган масъул ходим Қурбонали Нажмиддинов томонидан **"Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 13,40-моддалари, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"**ги қонуннинг 5,7,9,16,17-моддалари, **"Текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"**-ги, **"Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни тартибга солиш тўғрисида"**ги Президент Фармонлари талаблари бузилган. Шу боис ушбу қонунбузилиш ҳолати юзасидан вилоят статистика бошқармасига тақдимнома киритилди.

Тақдимнома статистика ходимлари ўртасида муҳокама қилиниб, бошқарма бошлиғининг буйруғига кўра Избоскан туман статистика бўлими бошлиғи Насрулло Ҳамдамовга "Жамшид" хусусий дорихонасини текширишни ташкил этишда қонунбузилишга йўл қўйганлиги учун "ҳайфсан" интизомий жазоси берилди. Режадаги текширишни 30 апрел кунида эмас, балки 16 июн куни ўтказгани учун Қурбонали Нажмиддинов эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Ҳа, қонун ўзини менсимаганни кечирмайди. Баён этилган воқеа ҳам бунинг исботидир. Бу бошқалар учун ҳам сабоқ бўлса, ажаб эмас.

**Бобур АБДУВОСИТОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Mulohaza va mushohada**

***Тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришда тижорат банклари томонидан бериладиган йиллик имтиёзли ва тижорат фоизларидаги кредитлар асосий молиявий манбалардан бири ҳисобланади.***

# НОЎРИН РАНЖИЁТГАН ТАДБИРКОР



Тадбиркорларни бу тартибда қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматимиз томонидан бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар қонун йўли билан ҳар тарафлама ҳимоя қилинган. Шу боис, тадбиркорлик субъектлари молиявий манбалардан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ушбу имтиёзли ва бошқа турдаги банк кредитларидан фойдаланишда тадбиркорлик субъектлари кредит ажратишга оид қонунлар ва тегишли меъёрий ҳужжатларга амал қилиши лозим.

Бироқ адлия идораларига имтиёзли ва бошқа кредит маблағлари ажратишда банк муассасалари томонидан турли хил тўсқинликлар қўйилаётгани тўғрисида айрим ўрта ва кичик бизнес субъектларидан тушаётган ариза ҳамда шикоятлар ўрганилганда, тадбиркор ҳамиша ҳам ҳақ эмаслиги кўзга ташланмоқда. Чунки тадбиркорлик субъектлари кредит ажратишга оид амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларини тушуниб етмасдан, банк муасасаларидан ноўрин ранжиётганлигига дуч келинмоқда.

Бунга Оқтош шаҳридаги хусусий тадбиркор Муродилло Тошмуродовни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. У "Тадбиркорбанк"нинг Оқтош бўлимига 2002 йилнинг 5 февралида бюджетдан ташқари жамғармалар (Бизнес-фонд) ҳисобидан чорвачиликни уй шароитида ривожлантириш учун 10 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратишни сўраб мурожаат қилган. Банк кредит қўмитаси унинг аризасини уч кун ичида ўрганиб чиққан. Хусусий тадбиркорнинг мурожаати банк ходимлари томонидан асосли равишда рад этилган.

Чунки Адлия вазирлигида 2000 йил 29 февралда 902-сон билан рўйхатга олинган **"Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш Тартиби"**да мижоз бизнес-режа, паспорт нусхаси тақдим этган ҳолда 5000 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдоридан ошмайдиган ҳажмда кредит маблағи ажратилиши белгиланган. М.Тошмуродов эса аризасида 10 миллион сўм миқдорида кредит сўраган ва бизнес-режа тақдим этмаган.

Аризани ўрганиш чоғида М.Тошмуродовга имтиёзли кредит ажратиш учун банкка тақдим қилиниши лозим ҳужжатлар тўғрисида бир неча марта ҳуқуқий тушунтиришлар берилган эди. Шундан сўнг у 2002 йил 5 августда чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 5000 АҚШ доллари ҳисобида имтиёзли кредит ажратишни сўраб, яна ариза билан мазкур банкка мурожаат қилган. Ҳуқуқий тушунтириш берилишига қарамасдан хусусий тадбиркор бизнес-режа ва бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим қилмаган. Шу сабабли юқорида қайд этилган Тартибнинг 2.6-бандида белгиланган қоидага кўра, беш иш куни, яъни 2002 йил 9 августда банк кредит қўмитаси томонидан ариза кўриб чиқилиб, ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги сабабли асосли равишда М.Тошмуродовнинг аризаси иккинчи марта рад қилинган.

Бу қарордан норози бўлган М.Тошмуродов юқори ташкилотларга имтиёзли кредит ажратишда банк томонидан тўсқинлик бўляпти мазмунида бир неча маротаба мурожаат этган.

Хусусий тадбиркор сўраётган кредит миқдори 5000 АҚШ долларининг сўм эквиваленти бўйича ўша кундаги курси 4 миллион 803 минг сўмни ташкил этса-да, у ўз бизнес-режасини 3 миллион 500 минг сўмга тузиб, банкка тақдим этганлигини қандай тушуниш мумкин? Бундай вазиятда банк муассасаси М.Тошмуродовга имтиёзли кредитни беролмаслиги аниқ.

М.Тошмуродов Адлия вазирлигига қайта ариза ёзган. Вазирлик томонидан рўйхатга олинган тадбиркор мурожаати "Ўзтадбиркорбанк" Республика бошқаруви, вилоят бошқармаси ва Оқтош бўлими раҳбар ҳамда мутахассислари, М.Тошмуродов иштирокида муҳокама қилинди. Бу гал М.Тошмуродов томонидан банкка тақдим этилган ариза ва бизнес-режаси талабга жавоб бермаслиги, яъни аризада имтиёзли жамғарма (Бизнес-фонд) ҳисобидан 5000 АҚШ доллари ҳисобида кредит ажратиш сўралган бўлса-да, бизнес режа яна 3 миллион 500 минг сўмга тузилганлиги аниқланди. Бизнес-режадаги харажатлар ва олиниши кутилаётган даромадлар иқтисодий жиҳатдан бирбирига мувофиқ эмаслиги маълум бўлди. Қонун талабига тўғри келмайдиган бу ҳолатлар М.Тошмуродовга қайта тушунтирилди.

Биз бу билан тадбиркор мутлақо қонун талабларидан бехабар деб, уни обрўсини тўкиш ниятимиз йўқ. Шуниси аниқки, М.Тошмуродов ҳозирга қадар банк муассасини асоссиз айбдор қилиб олти марта юқори ташкилотларга мурожаат қилган. Тўғри, ҳар бир фуқаро мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Лекин биргина М.Тошмуродовнинг аризалари юзасидан қанчадан-қанча одамларнинг қимматли вақти беҳуда совурилди. Бу вақт ичида хусусий тадбиркорнинг ўзи ҳам қанча азият чекканлиги кўриниб турибди. Бундан ким қандай хулоса чиқаради. Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир фуқаро мавжуд қонун ва меъёрий ҳужжатларни пухта ўрганиб олса, асло кам бўлмайди. Қонунларни билиш эртанги фаолиятга сув ва ҳаводек зарур.

**Шарофиддин МУСАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

**Bugunning gapi**

# МУЛКДОР БЎЛИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯМИ?

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Бизнингча, юртимизда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай кичик корхона, аввало, амалдаги қонун ва қарорлар асосида фаолият кўрсатиши лозим. Ҳар бир тадбиркор ўзи очаётган корхонанинг фақат бугуни эмас, балки истиқболи ҳақида ҳам қайғуриши даркор.

Тадбиркор корхонани нима мақсадда ташкил этаяпман, қандай маҳсулотлар ишлаб чиқараман, маҳсулотим аҳолига керакми ёки экспорт қиламанми, экспорт қиладиган бўлсам, жаҳон андозаларига мосми, хорижлик харидорнинг талабига жавоб берадими, деган саволлар устида пухта ўйлаб, кейин ҳаракатга киришса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳозирча маблағим бор, ишчилар ҳам топилади, бугунги куним ўтса бўлди, эртага бир гап бўлар қабилида иш юритадиганлар катта хатога йўл қўйишади. Чунки пухта ўйламасдан қўйилган қадам корхонанинг ёпилишига, оқибатда ишчиларнинг ишсиз қолишига олиб келади.

Хуллас, бозор иқтисодиёти шароитида мулкдор бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Мулкдор, тадбиркордан маблағини тежаб-тергаб, аниқ мақсадларга сарфлаши талаб этилади. Бунинг учун мулкдор универсал мутахассис, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиши, қонунларни пухта билиши, солиқларни мунтазам тўлаб бориши, Низомида кўрсатилган фаолият билан шуғулланиши керак.

Кичик тадбиркорликка тааллуқли муаммолардан бири шундаки, кейинги пайтда қўлидан иш келадиган ҳам, бу ишни уддалай олмайдиган ҳам кичик корхона очмоқда. Тадбиркорликнинг йўл-йўриқларини пухта билмаслик оқибатида, уларнинг айримлари турдош корхоналар билан рақобатга бардош беролмаётир. Банкрот бўлишдан эса нафақат тадбиркорнинг ўзи, балки унинг баландпарвоз ваъдаларига учган ишчилар, мутахассислар ҳам зиён кўради. Бугунги кунда саноатни қишлоққа олиб бориш йўлларини ўйлашимиз керак. Токи деҳқон пешона тери эвазига етиштирган маҳсулотларини транспорт ва бошқа харажатларга сарфламай, қишлоқдаги кичик корхонага топширсин. Деҳқон хомашё етказиб берувчи бўлса, кичик корхонадагилар уни қайта ишлаб, аҳоли эҳтиёжини қондириши, ишсизларни иш билан таъминлаши ҳамда ўзи ҳам даромад олиши мумкин.

Хуллас, бугунги тадбиркор ҳар томонлама етук, билимли бўлиши керак. Ана шундагина у кўзланган мақсадига эришади.

**Г. ШОДИЕВ**

Talab, taklif, mulohaza

# "НЕУСТОЙКА" ИНСТИТУТИ

## УНДАН ОЗОД ҚИЛИШ ШАРТИ НИМАДАН ИБОРАТ?

*Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолиятида шартномавий муносабатларга амал қилинади. Шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз вақтида ва лозим даражада бажарилиши иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, иқтисодий ўсиш бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома юзасидан олган мажбуриятларини бажарилишига бевосита боғлиқдир.*

Бу эса ўз навбатида хўжалик шартномалари бўйича олинган мажбуриятларнинг бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик масаласини ҳам юзага келтиради. Қуйида ана шу хусусда фикр юритамиз.

Албатта, бу борада қонунчиликда бир қатор меъёрлар белгиланган. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 324-моддаси 1-қисмига асосан қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 325-моддаси 1-қисмига асосан агар мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади. Шу ўринда неустойка нима, деган савол туғилиши табиий.

Фуқаролик кодексининг 260-моддасида қайд этилишича, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган қарздор мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўланиши шарт бўлган пул маблағи миқдори неустойка ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланади. Неустойка жарима ва устама шаклида бўлади. Қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган ва қоида тарикасида пул маблағи миқдорида ҳисобланадиган неустойка жарима, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктирганда тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка эса устамани ташкил этади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, қонунчилигимизда неустойкани камайтириш билан боғлиқ алоҳида қоида мавжуд. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 326-моддасига асосан агар тўланиш лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажармагани, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкий аҳволи, шунингдек, кредиторнинг манфаатлари, албатта, эътиборга олиниши керак. Бироқ қонунчиликда неустойкадан озод қилиш билан боғлиқ алоҳида қоида белгиланмаган.

Шу ўринда мавзу билан боғлиқ қуйидаги мисолларни келтириб ўтишни лозим топдик. Тошкент вилояти хўжалик суди ҳамда апелляция инстанция судининг қарори билан "Янгийўл" акциядорлик жамияти ҳисобидан Йўлдош Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги фойдасига 39 миллион сўм асосий қарз ва 14,5 миллион сўм устама ундирилган. Навоий вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тадбиркор Н.Сайфуллаевнинг "Камола-98" фирмасига нисбатан даъвоси қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига 5027070 сўм асосий қарз ва 5027070 сўм устама ундирилган. Ушбу қарорларни қабул қилишда судлар Фуқаролик кодексининг 326-моддаси талабларининг қўпол равишда бузилгани боис юқори инстанция суди томонидан улар ўзгартирилган ва даъво талабининг устама қисми камайтирилган.

Ана шу мисоллардан кўриниб турибдики, неустойка ундириш масаласининг ҳал қилиниши даражаси хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий аҳволига катта таъсир кўрсатади. Бу эса масалага ҳар томонлама ёндашишни тақозо этади.

Бинобарин, шуни эътиборга олиш керакки, мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслигида кредитор ёки учинчи бир шахснинг бевосита айби бўлиши ҳам амалиётда кўп учрайди. Шунингдек, қарздор томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан аниқ ҳаракатлар амалга оширилган, лекин мажбуриятлар бажарилмай қолган бўлиши ҳам мумкин. Хўш, бундай ҳолларда вазият қандай баҳоланади?

Бу каби саволларга жавоблар Олий хўжалик суди Пленумининг 1999 йил 5 февралдаги **"Хўжалик судлари томонидан Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"**ги 77-сонли қарорида ўз ифодасини топган. Жумладан, ушбу қарорда мажбуриятларнинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кредиторнинг қўпол хатти-ҳаракатлари сабаб бўлган бўлса, шунингдек, кредитор мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ва эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатлари ва тўпланган далилларга асосан неустойка миқдорини камайтиришга ҳақли экани баён этилган.

Кўриниб турибдики, мазкур қарорда ҳам неустойкадан озод қилиш масаласига тўхталинмаган. Бунинг боиси шундаки, қонунчиликда ҳам бу институт ўзининг ифодасини топмаган. Шу сабабли қонунчиликка "неустойкадан озод қилиш" институтини жорий этиш лозим, деган таклифни билдирмоқчимиз. Зеро, бозор муносабатлари шароитида амалдаги қонунчилик меъёрларига янгидан-янги ҳуқуқий институтларни жорий этиш ҳаётий заруратдир.

Бунда қарздор неустойкадан озод қилинишидан манфаатдор бўлишини инобатга олиш лозим. Бу эса шартнома мажбуриятларини бажаришда тарафларнинг янада фаол ҳаракат қилишига туртки беради.

Бундан ташқари, неустойкадан озод қилиш институти шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликка боғлиқ кўпгина масалаларнинг ижобий ҳал бўлишига ҳамда шартнома тарафлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кейинчалик ҳам давом этишига имкон яратади. Бошқача айтганда, бу билан ҳар икки томоннинг ноҳақдан жабр кўришининг олди олинади.

Ўйлаймизки, мутасаддилар ва кенг жамоатчилик баён этилган таклифни ўрганиб чиқишади ва унга ўз муносабатларини билдиришади.

**Боситхон ОРИФХОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

E`tirof

# "ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИГА ЭГА ЮРТ"

## — ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА МИСРЛИК МЕҲМОН

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

**— Ҳозирда дунёдаги баъзи бир мамлакатлар ўзини демократия ва инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси қилиб кўрсатишга уринмоқда. Айни пайтда улар халқаро терроризмга алоқаси бўлган ташкилотларга ўз давлатлари ҳудудидаги бошпана беришади, уларни ҳимоя қилишади. Буни қандай изоҳлаш мумкин?**

— Мен ўз мақолаларимда ҳам бу ҳақда кўп ёзганман. Яшириб нима қилдик, ғарбдаги баъзи мамлакатларда террористик ва экскремистик гуруҳларнинг қароргоҳлари бемалол фаолият кўрсатаётгани сир эмас. Бу ҳолат дипломатия ва халқаро қонунчилик меъёрларига мутлақо зид. Миср давлати ҳам баъзи бир Европа давлатларига террорчиларни ушлаб беринглар, деб бир неча марта мурожаат қилган. Лекин ижобий жавоб ололмаган. Гўёки бу инсон ҳуқуқларига тўғри келмас эмиш. Аслида ана шу мамлакатлар ислом давлатларида инсон ҳуқуқлари бузиляпти деб, бу разил мақсадли террорчилардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши ҳам сир эмас. Энди ўзингиз тасаввур қилинг: бир кимса ўз давлатида бегуноҳ одамларни ўлдирса, портлатса, бузғунчилик қилса-ю, кейин бошқа мамлакатда жабрдийда сифатида паноҳ топса, бу қайси мантиққа тўғри келади?! Бунинг устига жабр кўрган давлат ўша жиноятчини ушлаб беришни талаб қилса, бу инсон ҳуқуқларининг бузилишига кирадими?! Демократия ва инсон ҳуқуқларининг ҳам чек-чегараси бор. Бошқача айтганда, менинг озодлигим сизнинг озодлигингизга ҳеч қачон тўсқинлик қилиши, соя ташламаслиги керак. Акс ҳолда демократия деган сўзда ҳеч қандай мантиқ қолмайди.

Айтмоқчиманки, ўзини демократик мамлакат деб биладиган баъзи давлатлар инсон ҳуқуқлари деган тушунчаларни рўкач қилиб, террорчилардан ўз сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланиши ҳамиша фожиали оқибатларга олиб келади.

**— Ғарбдаги баъзи нодавлат ташкилотлари ёки ўзларини инсон ҳуқуқлари бўйича мутахассис ҳисоблайдиган айрим шахслар демократия байроғи остида ўзга халқларнинг миллий ва маънавий қадриятига зид бўлган турмуш тарзини олиб киришга интилишмоқда. Масалан, ғарбда бир жинсга мансуб икки аёл ёки эркакнинг никоҳдан ўтиши оддий ҳол. Аммо биз учун бу ҳол нафақат ёт, балки иснод саналади. Умуман айтганда, демократия деганда муайян бир мамлакатнинг турмуш тарзи тушунилмайди-ку?! Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай?**

— Албатта, дунёдаги ҳар бир халқнинг ўз маданий, маънавий турмуш тарзи бор. У шу халқ эътиқод қиладиган дин, урф-одатлар, анъаналар билан чамбарчас боғланиб кетган. Мисол учун, Ғарбда ҳар ким ўз ҳолича яшайди. Менингча, бундай турмуш тарзи кўпроқ моддий асосга қурилган. Ўзбекистонда эса одамлар жамоа бўлиб, бир-бирининг ҳолидан хабар олиб яшайди. Шахсан ўзим юртингизда ота-онага, кексаларга бўлган ҳурмат-иззат, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, ор-номус жуда кучли эканлигини гувоҳи бўлдим. Бу ноёб фазилатларни асраб-авайлаш ва янада шакллантириш керак. Албатта, демократиянинг бутун дунё тан олган умумий тамойиллари мавжудлигини инкор этмайман. Биз ҳам уларга риоя қиламиз. Аммо демократия айнан муайян халқнинг турмуш тарзи, ахлоқий мезони дегани эмас.

Мен фурсатдан фойдаланиб Ўзбекистон ҳақида бир фикрни айтиб ўтишни истардим. Агар менга бирор-бир киши Ўзбекистонда мусулмонларнинг ҳуқуқлари поймол қилиняпти деса, бу фикрнинг мутлақо нотўғри эканини исботлаб бераман. Чунки Ўзбекистонда ҳақиқий ислом динини тиклаш ва ривожлантириш борасида айнан Президент Ислом Каримов томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мен шулардан барчага ибрат бўладиган учта мисол келтирмоқчиман:

Биринчиси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Тошкент ислом университети ташкил этилди. Мисрда "Ал Асҳар" институти нечоғлик улкан мавқега эга бўлса, мазкур университет ҳам шундай катта мавқега эга. Бу даргоҳдан минглаб ҳақиқий исломшунослар етишиб чиқмоқда. Бу савоб ишни таърифлаб адоғига етиш мушкул.

Иккинчиси, биз — мисрликлар учун муқаддас зот ҳисобланмиш Имом ал Бухорий зиёратгоҳи мажмуаси барпо этилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу табаррук маскан бутун дунё мусулмонларининг зиёратгоҳига айланди.

Учинчиси, Имом ал Бухорий номидаги жамғарманинг таъсис этилишидир. Мана шу учта мисолнинг ўзиёқ Ўзбекистонга туҳмат қилаётганларга муносиб жавоб бўлади.

**— Муҳаммад Салома жаноблари, бугун дунё аҳли ҳайрат билан зиёрат қилаётган Ўзбекистондаги муқаддас ислом обидалари, мадраса ва мачитлар, Имом ал-Бухорийдек кўплаб буюк аждодларимиз дафн қилинган жойлар бундан атиги 15 йил аввал, яъни даҳрийликка асосланган шўролар тузуми даврида ўта аянчли аҳволда эди. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Фақат мустақиллик туфайли юзлаб обидалар қайта тикланди ва муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди.**

— Бундан 18 йил аввал мен Ўзбекистонга келганман ва тарихий обидалар, ислом динига муносабат қандай аянчли аҳволда эканлигини ўз кўзим билан кўрганман. Мен ўшанда яхши ният билан Ўзбекистондаги биродарларимга бераман деб, ўзим билан атиги уч дона Қуръони Карим олиб келаётган эдим. Лекин чегарадан ўтаётганимда уларнинг иккитасини олиб қўйишган. Бугун юртингизда Қуръони Карим кўп нусхада чоп этилган, нафақат чоп этилган, балким бир эмас, икки марта ўзбек тилига таржима қилинган. Мана, озодликнинг шарофати. Шўролар даврида буни ҳатто тасаввурига ҳам сиғдириб бўлмасди.

**— Дарҳақиқат, шўро даврда Қуръон ўқиш у ёқда турсин, ватандошларимиз ўз яқинларининг дафн қилиш маросимида иштирок этишга ҳам қўрқиб қолган эди. Жаҳолат шу қадар авжга чиққан эдики, ҳатто одамлар ўз фарзандларини хуфиёна тарзда суннат қилишга мажбур бўлгандилар. Лекин ўзбек халқи шундай оғир шароитда ҳам ўз эътиқодидан қайтмади.**

— Шўролар даврида мен Бухорога мухбир сифатида келганман. Ўшанда менга одамлар "шу 20-30 йил ичида араб тилида гапирадиган хорижликни биринчи марта кўриб туришимиз" деб, ҳайрон қолишган. Демак, дунёдаги еттита шариф шаҳарларнинг бири Бухорони зиёрат қилиш қийин бўлган. Бугун бу шаҳардан зиёратчиларнинг оёғи узилмаяпти. Аллоҳга шукрки, бутун дунё мусулмонлари учун азиз бўлган исломий обидалар давлат томонидан ҳимояга олиниб, қайта тикланмоқда. Биз Қоҳирани "минг миноралар шаҳри" деб атаймиз. Ўзбекистонда тарихий жойлар шу қадар кўп эканки, уни "беш минг ислом обидалари юрти" деб аташ керак. Ишончим комилки, Ўзбекистон ҳам Миср каби улкан зиёратгоҳга айланади.

Мен Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар ҳақидаги китобини ўқидим. Марказлашган маъмурий тизимдан бозор иқтисодиётига асосланган тизимга ўтказиш жараёни билан танишиб чиқдим. Бу ўта мураккаб ва зиддиятли жараён бирор қурбонларсиз, қон тўкишларсиз амалга оширилгани ўта муҳим аҳамиятга эга. Дунёнинг не-не давлатлари бундай тарихий бурилиш палласида можаролар ва урушлар гирдобига тушиб қолган, қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг қони тўкилган.

Менинг диққатимни ўзига тортган иккинчи нарса шу бўлдики, ўтиш даврида аҳвол қийин, вазият мураккаб бўлишига қарамай аҳоли ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинган. Энг муҳими, жамиятдаги барқарорлик таъминланган. Мен маҳаллаларда бўлиб, "Меҳр ва мурувват йили"да кам таъминланган оилаларга қандай катта ёрдам кўрсатилаётганлигининг гувоҳи бўлдим.

Суҳбатимиз якунида Ўзбекистоннинг ажойиб халқига тинчлик ва осойишталик, тараққиёт ва муваффақиятлар тилаб қоламан.



*Ўтмиш гувоҳи*

Jinoyat va jazo

# ЭГРИ НИЯТ ЗАВОЛИ

## СУД ОЧЕРКИ

**1. УМР ЗАВОЛИ**

Халқимизнинг ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, деган доно нақли замирида катта маъно мужассам. Ҳақиқатдан ҳам, бу дунёга келган ҳар бир инсон ўз олдига қўйган эзгу-орзуларга интилиб яшайди. Аммо ўз умрини бесамар ўтказиб, кейинчалик бармоғини тишлаб қоладиган кимсалар ҳам афсуски, ҳаётда йўқ эмас.

Эндигина 25 ёшни қоралаган Василий Шихалевнинг таржимаи ҳоли билан танишган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Асли Тожикистон Республикасида туғилган бу кимса балоғат ёшига етгунга қадар вояга етмаганлар инспекцияси назоратида бўлган. Ўзининг 16 ёшини Василий тенгдошларидан фарқли ўлароқ темир панжара ортидаги қора курсида кутиб олди. Суд уни қилган жиноятлари учун 9 йил озодликдан маҳрум этди.

Аслида заррача ҳамияти бор инсон ҳаётида бир марта бўлса ҳам қора курсида ўтиришни ўзи учун ювиб бўлмас доғ, деб билади.

Бироқ Василийнинг озодликка чиққанидан сўнг ҳам кўзи очилмади. У олдингидай тараллабедод қилиб юришдан бошқа нарсани ўйламас, янги-янги жиноий режаларни тузар, иродаси мўрт одамларни излар эди. Ана шундай нопок ният уни яна жиноят кўчасига бошлади.

Қисқаси, у 2001 йил 19 ноябрда суд қарори билан 4 йил озодликдан маҳрум этилди. Орадан икки йил ўтгач, жазо енгиллаштирилиб, ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилди.

Кейинчалик Василий ишга жойлашган бўлса-да, аммо ичкиликбозлик ва жанжалкашлик одатини ташлай демади. У тузоғига илинганларни ароқхўрлик орқали ҳамтовоқ қилиб оларди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, у бошқаларни ҳам ўзи чўкиб бораётган тубанлик ботқоғига тортарди. Чунки атрофдагилар чурқ этмас, уни мушугини "пишт" дейдиган мард топилмасди. Бу эса икки марта панжара ортини кўрган одам учун айни муддао эди.

***(Давоми тўртинчи бетда)***

Jahon tajribasi

# ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ

*Халқаро амалиётда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бир неча шакллари мавжуд бўлиб, Буюк Британия, Канада, АҚШ, Янги Зеландия ва бошқа мамлакатларда англосаксон тизими амал қилади. Франция, Италия, Голландия, Португалия, Бельгия, Испания ва бошқа Европа давлатларида эса француз тизими бўйича иш юритилади. Бу борада Ғарбий Европа давлатларида бошқачароқ тажриба шаклланган.*

Таъкидлаш ўринлики, Ғарбий Европа давлатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга алоҳида тизим сифатида эмас, балки давлат тизимининг бир қисми сифатида қаралади.

Ўзини ўзи бошқариш демократик тамойиллар асосида қурилган давлат тизимининг асосий таркибий қисмларидан бўлиб, сиёсий партиялар, марказлаштириш ҳамда марказлаштиришдан қочиш тарафдорлари ўртасидаги курашга сабаб бўлган. Шу туфайли Ғарбий Европада маҳаллий бошқариш идораларининг тараққиёти бир неча босқичда амалга ошган. Бугунги кунда бу давлатлар 60-йилларда бошланган навбатдаги босқични бошдан кечираяпти. Мазкур босқичда маҳаллий бошқариш тизими ислоҳотлари нисбатан барқарор конституциявий тизимга эга давлатларга (Буюк Британия, Нидерландия, Скандинавия давлатлари, Бельгия) ҳам, урушдан кейинги йилларда давлат тизимида жиддий ўзгаришлар рўй берган давлатларга (Франция, Германия Италия ҳам таъсир кўрсатган. Мазкур давлатларда маҳаллий бошқаришнинг ҳар хил бўғинларига таалluқли ислоҳотлар амалга оширилган. Англо-саксон модели маҳаллий жамоалар, қавмлар, шунингдек, шаҳарлар негизида юзага келади, уларни бошқариш тизими аста-секин мамлакатни бошқаришнинг давлат йўналишига киритиб борилган. Лекин Британия оролларида муниципалитетлар ҳеч қачон ҳокимиятни амалга оширишнинг давлат шаклидан ажратилган эмас. Бу ерда ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили олий ҳокимият, қонун чиқарувчи ҳокимият, маҳаллий ҳудудий ҳокимият, ижроия ҳокимиятига ажратилган. Шу сабабли Англия қонунчилигида муниципалитетларга нисбатан "ўзини ўзи бошқариш" атамаси қўлланилмайди.

Муниципал бошқаришнинг марказий давлат ҳокимиятига нисбатан нисбий муниципаллиги, уларнинг маҳаллий аҳоли ҳаётига доир кўпгина масалаларни ҳал этишда ҳукуматга тобе эмаслиги, жойлардаги сайланувчи идоралар фаолиятини назорат қилувчи ҳукумат вакилларининг йўқлиги — буларнинг барчаси Англиянинг замонавий муниципал бошқариш тизимига хос хусусиятлардир. Лекин ҳукумат маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг иш фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Муниципал идораларнинг ваколат доираси парламент ваколати доирасининг ҳосиласидир. Бу эса муниципалитетларнинг давлатга хос жиҳатларга эгалигини кўрсатади. Шу сабабли Буюк Британия парламенти ва марказий ҳукумати кўпинча муниципалитетларга тегишли ҳудуд доирасида давлат бошқарувига доир вазифаларни юклайди. Бироқ бундан Британия оролларида амалга ошириладиган Сити муниципал бошқаруви мустасно. Чунки у ерда мустақил мансабдор шахс мақомига эга бўлган мэр лавозими мавжуд эмас. Ғарбий Европада маҳаллий идоралар тизими маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ амалга оширилса, унитар давлатларда бу масала марказий ҳокимият ваколатига, федератив давлатларда эса федерация субъектларининг доирасига киради. Лекин ҳудудий бирликлар ҳамма вақт ҳам аҳоли томонидан сайланадиган идораларга эга бўлавермайди. Масалан, Франция кантонлари ва округларида, Германия округларида тўғридан-тўғри давлат бошқаруви амалга оширилади.

Марказлашган давлатлар шаклланиши натижасида ижтимоий ҳаётга доир марказлашган ва марказлашмаган тизим ўртасида оммавий ҳокимият иккига бўлинади, лекин жамоаларни ягона марказлашган давлат сифатида бирлаштириш жараёни бир хил тарзда амалга оширилмагандек, оммавий ҳокимиятнинг марказлашмаган бўғини ҳам турлича шакллантирилган. Жумладан, Буюк Британияда жамоаларнинг умумдавлат бошқарув тизимига хос хусусият бўлган, лекин бунда уларнинг маҳаллий бошқариш тузилмаси сақланиб қолган.

Мазкур тизимда халқ ҳокимияти парламент ва ижроия идоралари томонидан амалга оширилади, ижроия идоралари парламент (ҳукумат) ҳамда тегишли ҳудудлардаги аҳоли (муниципалитетлар) томонидан тузилади. Айнан Британия оролларида муниципал бошқарувнинг англо-саксон модели яратилган. Бу модел маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий тизимидан фарқли ўлароқ, бутунлай бошқа шароитда шаклланган. Унинг ваколат доирасига кирувчи ишларни муниципал кенгаш раиси амалга оширади. Шунингдек, у доимий комиссияларнинг ваколатли идоралари ишини ташкил этади, жамоатчилик билан мунтазам алоқа ўрнатади, доимий комиссиялар кўмагида муниципал ижроия аппарати фаолиятини назорат қилади, муниципал бошқарув раҳбари ва унинг ходимлари билан мунтазам иш олиб боради. Муниципал бошқарув аъзолари, жумладан, ижроия ҳокимияти раҳбари ҳам, муниципал кенгашнинг ёлланма ходимлари ҳисобланади. Бошқача айтганда, улар муниципал хизмат штабини ташкил этади. Унинг фаолияти муниципал кенгаш фаолияти билан биргаликда маҳаллий менежмент деб номланади. Мазкур менежментда муниципал маслаҳатчилар, уларнинг комиссиялари, жамоатчилик, ёлланма ходимлар ва уларнинг бошлиғи иштирок этади. Шу тариқа муниципал кенгаш раиси раҳбарлигида ишчи гуруҳи юзага келади.

**Бахшулло ХЎЖАЕВ,**
**Нодир НИШОНОВ**

Saboq

# МУДРОҚЛИК "СИЙЛОВ"И

***"Сайфи ота" фермер хўжалиги давлат рўйхатига олиниб, фаолият бошлабдики, ҳар йили Дўстлик туман пахта тозалаш корхонаси билан хомашё етказиб бериш юзасидан контрактация шартномаси тузади. Фермер хўжалиги шартнома шартларини бажаради. Лекин пахта тозалаш корхонасига навбат келганда...***

***Хўш, корхонага навбат келганда нима бўлади, дейсизми? Унда эшитинг.***

Тарафлар ўртасидаги шартнома шартлари вақтида бажарилганда "Сайфи ота" фермер хўжалиги раҳбари А.Қўйсинов корхона эшигида ойлаб, ҳатто йиллар сарғаймаган, топширган маҳсулоти ҳақини сўраб юрмаган бўларди. Аниқроғи, фермер хўжалиги 2001 йилда пахта тозалаш корхонасига топширган хомашёнинг йигирма фоизли тўловидан шу пайтга қадар 920 минг 700 сўмини ололмаган. 2002 йил ҳосили учун тузилган шартноманинг тўловидан эса корхона фермер хўжалигидан 1 миллион 150 минг сўм яна қарз бўлиб қолган.

Корхона мутасаддилари бўйинларида қарз бўла туриб, қандай тинч ухлашаркан, ҳайрон қоласан киши. Чунки бу ҳол 2003 йилда яна давом этган. 2003 йилнинг 15 мартида тузилган 078/57-сонли контрактация шартномасига асосан фермер хўжалиги корхонага 91,2 тонна пахта хомашёси етказиб берган. Ана шу маҳсулотнинг 395 минг сўмини ҳанузга қадар корхонадагилар фермерга тўламаган. Агар уч йил мобайнида корхонанинг фермер хўжалигига тўлаши лозим бўлган қарзларини чўтга ташласангиз, у 2 миллион 465 минг 700 сўмни ташкил этади.

Фермер хўжалиги раҳбари А.Қўйсинов ўта босиқ, иродали одам экан. У аввал бир кун бўлмаса, бошқа кун корхонадагилар қарзни тўлашар, деб сабр қилди. Ваъдаларга ишонди. Бироқ сабрнинг чеки-чегараси бўлар экан. Охир-оқибат натижа чиқмагач, Жиззах вилояти адлия бошқармасига мурожаат этди.

Шундан сўнг адлия бошқармаси мутахассислари "Сайфи ота" фермер хўжалиги мурожаатини обдон ўрганиб чиқишди. Натижада Дўстлик тумани пахта тозалаш корхонасини судга берди. Вилоят хўжалик суди корхона ҳисобидан даъвогар "Сайфи ота" фермер хўжалиги фойдасига 2 миллион 465 минг 700 сўм асосий қарз, 1 миллион 35 минг 350 сўм устама ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Буни корхона мутасаддиларининг мудроқлигига "сийлов" деса бўлади...

Бундай дейишимиз бежиз эмас, албатта. Нега деганда, суд корхона мутасаддиларига суднинг ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида шу йилнинг 13 ва 27 апрел саналарида ажрим орқали хабар берганди. Қарангки, корхонадаги мутасаддилар мудроқликдан кўз очмаганга ўхшайди. Жавобгар вакили суд мажлисига келмади, ўзининг ёзма эътирозини ҳам тақдим этмади. Суд Хўжалик процессуал кодексининг 130-моддасига асосан жавобгар вакили иштирокисиз ишни кўриб чиқишни лозим топди. Низонинг судгача етиб келишида жавобгарнинг айби ҳисобга олиниб, давлат божи харажатлари ҳам корхона зиммасига юкланди.

Фермер хўжалиги аъзолари бу йил далада пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун қизғин тараддуд кўрмоқда. Айтинг, айтинг, ишқилиб, ҳамкорлар мудроқлик уйқусидан уйғонишсин.

**Абдулла МАМАТМУСАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

*Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиш қабул қилингандан буён 3 йилдан зиёд вақт ўтди. Албатта, ўтган бу вақт мобайнида мазкур Фармойиш талабларидан келиб чиқиб, кенг кўламли хайрли ишлар амалга оширилди. Мактабгача ва умумий ўрта таълим тизимида мамлакатимиз Бош Қонунини ўрганиш учун зарур дастурлар, курслар ва методик кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилди.*

Faoliyat

# ГЎДАК КУЛГУСИГА СИНГАЁТГАН НУР



Мактабгача таълим муассасаларида Конституцияни ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган **"Конституция сабоқлари"** деб номланган алоҳида Дастур бўйича уч босқич — ўрта ёш 3-4 ёш, катта ёш 4-5 ёш, мактабгача тайёргарлик даври 6-7 ёшли болалар ўртасида амалга оширилмоқда. Босқичли ҳуқуқий таълим-тарбия беришдан кўзланган мақсад шуки, ёшларнинг ҳуқуқий онгига бевосита таъсир этувчи назарий, ҳуқуқий билимлар, дастлабки кўникма малакаларни таркиб топтиришдан иборат. Илк ҳуқуқий қоидалар ўйин усуллари орқали тевара-атроф, табиат билан таништириш, болаларда ҳаётдаги ижобий ва салбий ҳолатларга нисбатан сезгирлик, умумий ахлоқий кўникмаларни сингдириш, давлат ва унинг рамзлари, Конституция ва қонунларимиз тўғрисида илк тасаввурлар пайдо қилиш ва энг муҳими, жажжи кичкинтойларга гўдак ёшидан Ватанга ҳурмат туйғуси билан бирга қонунларимизга ҳам меҳр-муҳаббат уйғотишдан иборат. Очиғини айтганда, юртимизда фидойи меҳрибон тарбиячилар бу соҳада маълум тажрибага эришди ҳам. Жумладан, Китоб тумани халқ таълими бўлимига қарашли "Пахтаой", "Коинот" болалар боғчаларида **"Конституция сабоқлари"** машғулотларини махсус малака ошириш курсларида ўтилмоқда. Машғулотлар назорати педагогик кенгашнинг йиллик иш режасига киритилган. Ҳар чоракда тарбиячилар билими тест синовлари орқали, болалар билими эса савол-жавоблар орқали текшириб борилади. Боғчада танлов асосида **"Биз жажжи заковатчилармиз"** болалар гуруҳининг ташкил этилгани кишини қувонтиради.

Албатта, болалар билан ишлаш энг аввало, касбни бениҳоя севиш билан бирга ижодкорлик, ҳамиша изланишни талаб этади. Айниқса, боланинг мурғак тасаввурлари оламига жуда нозик ва устакорлик билан ҳуқуқий тушунчаларни сингдиришни заргар маҳорати билан тенглаштириш мумкин.

Шаҳрисабз тумани халқ таълими бўлимида мактабгача тарбия услубчиси Гулбаҳор Муҳаммадиева билан айни шу мавзуда суҳбатлашдик. Унинг айтишича, туманда 74 та боғча фаолият кўрсатаётган экан. **"Конституция сабоқлари"** ёки ҳуқуқий тарбия бўйича "Чаман", "Истеъдод", "Чарос", "Ором", "Шодлик", "Наргиза" болалар боғчаларида ибратли тажрибалар тўпланган. "Ширин" ва "Гулғунча" болалар боғчаларига Шаҳрисабз консерва заводининг "Булоқча" болалар боғчасига эса Геология қидирув экспедициясини оталик ёрдами катта экан. **"Ҳуқуқингизни биласизми?"** вилоят кўрик-танловида "Орзу" болалар боғчаси муносиб ўрин эгаллади.

Гулбаҳор опа бўладиган гапни айтди: — Болага илк ҳуқуқий тушунчалар ва "Конституция сабоқлари"ни сингдириш ўзига хос мураккаб жараён. Бу ишда ижодкор тарбиячилар фаолиятига суянмоғимиз керак. Энг асосийси, бурч ва садоқатни унутиб қўймасак бўлди.

Ҳа, ҳуқуқий тушунчаларни мурғак қалб қатига ёқимтой нур каби сингдириш ҳазилакам иш эмас. Ахир, Юртбошимиз айтганларидек, **комил инсоннинг шаклланиши болалар боғчасидан бошланади.**

**Ғози РАҲМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Tarix va taqdir

# ЕРНИНГ "ЎЗАГИ" СИРИ

***Хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга кўра, иккинчи жаҳон уруши кетаётган бир паллада шахсан Гитлернинг буйруғи билан ташкил этилган махфий экспедиция беш йил давомида Тибетда дунёнинг ўзагини излаган. Бироқ бу экспедиция қолдирган архив ҳали-ҳануз очилгани йўқ.***

Яқинда Германия, Буюк Британия ва АҚШ мамлакатлари ҳукумати учинчи рейхнинг баъзи бир архивларини ошкор қилишнинг янги муддатини эълон қилди. Маълумотларга қараганда, бу иш 2044 йил, яъни бу воқеаларга 100 йил тўлган пайтда амалга оширилади. Аммо фашистлардан қолган баъзи бир архивларидан "Мутлақо махфий" деган қайдни олиб ташлаш муддати ҳанузгача номаълумлигига қолмоқда. Ана шундай архивлардан бирида — шахсан Гиммлернинг буйруғига асосан Генрих Харрер бошчилигида беш нафар СС зобитларининг Тибетдаги Шамбала водийсига ернинг ўзагини топиш учун уюштирган экспедицияси натижалари сақланмоқда.

**ЙЎҚОЛГАН ЭКСПЕДИЦИЯ**

1942 йилнинг 28 ноябрида, яъни Сталинград қамал қилинган, Африкада вермахт дивизияси тор-мор этилган бир кезда Германия СС ва ИИВ бошлиғи Гиммлер 2000 минг саҳифадан иборат маъруза билан Гитлернинг ҳузурига йўл олади. Улар ўртасидаги махфий суҳбат олти соат давом этади. Гиммлернинг маърузасида (бу ҳақдаги хабар илк марта 1990 йилда чоп этилган) шов-шувли бир таклиф, яъни Тибетдаги Шамбала ғорини излаб топиш учун тажрибали альпинист ва олимлардан иборат махсус гуруҳни жўнатиш тўғрисида фикр юритилган эди.

Гиммлер ўта хаёлпараст, ғайритабиий кучларга қаттиқ ишонадиган бир кимса эди, у агар ернинг ўзагини топиб, уни тескари томонга айлантирса, вақт орқага қайтади, деб ўйларди. Бу ҳол учинчи рейх учун жуда қулай бўлган 1939 йилга қайтишга имконият яратса, йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб олиб, урушни қайта бошлаш ва ғалаба қозониш мумкин...

Тибетга жўнатилиши мўлжалланган экспедиция лойиҳасига Шамбала водийси тахминан қаерда жойлашгани қайд этилган харита ҳам қўшиб қўйилган — бу харита 1938 йилда Тибетга бориб келган бошқа бир экспедициядан қолган эди. Шуни айтиш кераккки, бу экспедиция сафар давомида олган кинотасвир тасмалари урушдан сўнг Германиядаги «Масон» қароргоҳидан топилган. Кейинчалик эса расмий маълумотларда қайд этилишича, бу кинотасвир тасмалари 1945 йилнинг кузида Кельн шаҳрида рўй берган ёнғин оқибатида куйиб кетган. Айтишларича, бу тасмаларда Шамбала водийсига кириш йўли ва дунёнинг ўзаги намуналари акс этган.

— 1945 йили ярим вайрона ҳолатга келган учинчи рейх девонхонасида тадқиқот ишларини олиб бораётган НКВД зобитлари ертўладан топилган тибетлик руҳонийнинг жасадини кўриб, ҳайратдан тош қотиб қолишган, – дейди буюк британиялик тарихчи Виктор Праудфут. — Маълумки, учинчи рейх кўп масалаларда афсунгарлик таълимотига суянган. Гитлер то ўлимига қадар Тибетдаги Шамбала водийсини топилиши ва вақт орқага қайтишига қаттиқ ишонган. Ҳатто 1945 йилнинг баҳорида унинг "мўъжиза" рўй бериши тўғрисида берган баёнотлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Қисқаси, 1943 йилнинг январ ойида австриялик тажрибали альпинист Генрих Харрер ва Гиммлернинг ишончли вакили Петер Ауфшиайтер бошчилигидаги беш нафар кишидан иборат экспедиция ўта махфий тарзда Тибет томон йўл олади. Аммо бахтга қарши ўша йилнинг май ойида улар Ҳиндистонда англиялик ҳарбийлар томонидан қўлга олинади ва қамоққа ташланади. Бироқ улар қандайдир йўл билан қамоқдан қочишга муваффақ бўлишади. Шундан сўнг уларнинг қисмати қандай кечгани ҳанузгача қадар номаълум.

— Мен бу экспедиция раҳбари Генрих Харрерни жуда яхши эслайман, – дейди Дхармсала (Ҳиндистон) шаҳрида яшайдиган тибетлик руҳоний. — Мен у билан урушдан сўнг, аниқроғи, 1948 йилда Тибет пойтахти Лхасда танишганман. Харрер Шамбала ғорини излаб, Тибетда беш йил сарсон-саргардон юрган экан. Кейин тасодифан ўткинчи бир ҳинд савдогарининг оғзидан уруш аллақачон тугагани, учинчи рейхнинг мағлубиятга учраганини эшитиб қолибди. Бу вақтга келиб, унинг гуруҳидан фақат Ауфшнейтер тирик қолган эди.

Шу ўринда табиий савол туғилади: шунча вақт давомида улар қаерда дайдиб юришган?

Бир гуруҳ тарихчиларнинг фикрига қараганда, Харрер (у Тибетда ўзини англияликлар таъқибидан қочган немис тижоратчиси деб таништирган) охир-оқибат ернинг ўзагини топган, бироқ уни қандай қилиб орқага қайтариш йўлини билмаган. Бундан ташқари, Харрернинг уч нафар ҳамроҳи қаёққа ғойиб бўлгани ҳам сирлигича қолган.

Шамбала ғори ҳақидаги афсоналарда айтилишича, ернинг ўзагида жуда кучли қувват мавжудки, унга шунчаки яқин бориб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ривоятларда Шамбала ернинг маркази, бутун дунёни бошқарадиган жой, дея талқин этилган. Кимки унга эгалик қилса, нафақат вақтнинг устидан ҳукмронлик қилади, балки мўъжизавий қобилиятга ҳам эга бўлади.

Шунингдек, ривоятларда Шамбала мангу ҳаёт манбаи саналиши қайд этилган. Айнан шу ривоят билан танишгач, Гиммлер ўй-хаёлини буткул йўқотиб қўяди, у ҳатто Тибетга минг нафар десантчиларни юбориш, сўнг енгилмас "Ўлмас легион"ни ташкил этиш режасини ҳам тузади.

**ЕРНИНГ ЎЗАГИ СИРИ**

Гиммлернинг "Тибет лойиҳаси" ҳақидаги расмий маълумоти ўтган асрнинг 90-йилларига келиб ошкор бўлди. Бунга қадар тарихчилар турли хил узуқ-юлуқ гап-сўзларга ишониб, фикр юритиб келишган эди.

Эсэс экспедициясининг ягона вакили Харрер 1951 йил Тибетни тарк этади ва бой архиви билан Австрияга қайтади. Бироқ унинг архивини йўлда Британия полицияси тортиб олиб қўяди.

Кейинчалик у "Тибетда кечган етти йил" деб номланган китоб ёзади ва уни чоп эттиради. Бу китоб орадан анча йил ўтгач, аниқроғи, бу асар асосида Голливуд кино юлдузлари иштирокида фильм яратилгандан сўнг машҳур бўлиб кетади. Бу вақтга келиб, газетачиларнинг қўлига ўшанда Гиммлернинг Гитлерга тақдим қилган 2000 саҳифали маърузасининг бир қисми тушиб қолади. Бироқ Хаммер айнан Гиммлер томонидан Тибетга юборилганини расмий тан олишга улгурмай дунёдан ўтади.

Бу ўта жумбоқли воқеага ойдинлик киритишга қодир бўлган ягона манба — Тибетга уюштирилган экспедициянинг архиви ва ундан хиёл илгари суратга олинган тасмалардир.

Бироқ ҳозирга бу ошкор этилгани йўқ.

— Мен кейинчалик европаликларга жуда кўп марта ҳақиқатан ҳам, ернинг калити мавжуд, лекин у сизлар тасаввур қилган шамойилда эмас, дея тушунтиришга уриниб кўрдим, — дейди тибетлик руҳоний. — Бу калитга шунчаки яқин бориб, қўл теккизиб бўлмайди. Шамбала бутунлай ўзга мезонда мавжуд, уни кўришга фақат тафаккурнинг энг юқори даражасига эришган кишигина қодир...

**Хориж материллари асосида Тангриберди АҲМЕДОВ тайёрлади.**

Jinoyatga jazo muqarrar

# КУЛФАТ КЕЛТИРГАН УЛФАТЛАР

Оила жамият асосини ташкил этади. У инсон ҳаётига бахт келтиради, тўкислик бағишлайди. Энг юксак инсоний ҳис-туйғулар, эзгу ниятлар, маънавият, ақл-заковат, поклик оила бағрида таркиб топади, камолга етади. Ундан мосуво бўлганлар умр чорраҳаларида адашиб кетиши мумкин. Афсуски, баъзан тасодиф-у фалокатлар, гоҳо бефарқлик, аччиқ қисмат кишини оиладан жудо этади.

Когонлик Раҳматулла Раҳмонов 55 ёшида тўртинчи марта жиноятга қўл урди. У ҳаёти мобайнида ёлчиб оила қурмади. Ота-она, ака-укалар билан бирга оила шаъни учун курашмади. Унга ақл-идрок, сабр-тоқат, ор-номус кемтиклик қилди. Яшаш завқини дил-дилдан туймади.

Ёз оқшомларидан бирида Раҳматулла Раҳмонов икки нафар улфатини ўзи яшайдиган уйига етаклаб келди. У бу хонадонда Оксана Хозина билан никоҳсиз яшаётган эди.

Шум тақдир аёлни эридан эрта айирди. У ота меҳридан тўймаган қизи Виктория билан бева қолди. Аввалига Оксана ўксик дилини сабр нури билан равшан этиб юрди. Бироқ ёлғизлик ғурбатини, юкини кўтариб юриш оғирлик қилди.

Улфатлар роса отамлашиб бўлгач, уй соҳиби билан қуюқ хайрлашиб кетишди.

— Нега арақхўрларни уйга етаклаб келасан? Бундай улфатлар бир кун кулфат келтиришини биласанми? Ундан кўра рўзғорни, оилани ўйласанг бўларди, —дея эрига заҳрини сочди Оксана. — Булар эрта бирор яхши-ёмон кунингга яраб қолармиди?

— Ие, сен ҳали менга ақл ўргатадиган бўлдингми? Ичсам ўз уйимда, ўз пулимга ичибман, — дея ўшқира кетди Раҳматулла.

Эрининг важоҳатини кўрган Оксана муроса йўлини тутиб, қизи Викторияни ювинтириш мақсадида ваннахонага кириб кетди.

Бироқ ичкилик туфайли ваҳшийлашган Раҳматулло Раҳмонов Оксананинг орқасидан ваннахонага кирди ва унинг юз-кўзларига, бош қисмига шафқатсизларча кетма-кет мушт туширди.

— Онамни урманг, деб илтижо қилдим. Аммо у менинг ҳам юзимга бир шапалоқ урди, — дея гувоҳлик берди суд мажлиси чоғида Виктория. — Раҳматулла Раҳмонов маст ҳолатда онамни урганида унинг боши деворга тегиб, инграб, суяниб қолди. Ташқарига чиқиб, яна ваннахонага қайтиб кирганимда онажоним ҳеч нарсани билмай ётган эди. Оғзи-бурнидан кўпик аралаш қон оқаётганини кўриб, "Тез ёрдам" чақирдим.

Орадан кўп ўтмай «Тез ёрдам» машинаси етиб келади. Ҳамшира Оксананинг ҳаёт билан видолашганлигини, муолажага ҳожат қолмаганлигини айтади.

Хўш, бу фожиага нималар сабаб бўлди? У рўй бермаслиги мумкин эдими?

Раҳматулло Раҳмонов уч марта суднинг қора курсисига ўтириб, қилмишларидан сабоқ чиқармади. Арoқхўрликка берилиб, эс-ҳуши билан хайрлашди. Яна жиноят кўчасига кирди.

Шу ўринда киши кўнглидан қуйидаги мулоҳазалар ўтади: Маҳалла фуқаролар йиғинлари, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар нега ҳушёрликни қўлдан бериб қўйишаяпти? Улар сал эътиборли бўлишганда, Раҳматилла Раҳмонов ақл-ҳушини йиғиб олган бўлармиди?!

**Нодир АБДУЛҲУСЕЙНОВ,**
**ҳуқуқшунос**



*Сузиш завқи*

Nadomat

# АНДИШАСИЗ МЕЗБОНЛАР

Ҳамма замонларда ҳам одамзот текинтамоқлик ва балойи нафсга гирифтор бўлиб, бировнинг мулкига кўз олайтирган кимсани қоралаб келган. Ўғрига бешафқат бўлиш ҳам ўтмиш сабоқларидан бири. Бундан англашиладики, ўғирлик энг ярамас иллат. Бу иллатнинг олдини олиш ва уни жиловлаш масаласида бир оғир муаммо ҳамиша кўндаланг туради. Ҳар қандай ўғри ҳам тулкидан сабоқ олади. Бироқ ҳар қайси жиноят – жумладан, ўғирлик ҳам қанчалик яширинча рўй бермасин, кимдир унинг ҳидини сезиб қолади. Бироқ ўша одам эса ноёб сезгисининг хабарига лоқайд қарайди. "Балога қолиб юрмайин, менга нима?" қабилида иш тутади. Бу эса ўғрига қўл келади. Баъзан эса кўпчиликнинг кўз ўнгида содир этилган ўғирлик ҳам ён-атрофдаги одамларнинг беларволиги, ноўрин андишага берилиши оқибатида қандай тез кўзга ташланса, шундай тез яшириниб улгуради. Демак, ўғрининг шарпасини сезиб қолиб ҳам, унга халақит бермаслик – бу жиноятни қўллаб-қувватлаш билан тенг.

Ўша куни ҳам айнан шундай бўлганди. Гўзал ва ораста Шаҳрисабзнинг "Кулоллик" чойхонаси ва унинг шундоққина яқинидаги бозорда одамлар гавжум эди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора эди. Бири эллик ёшни қоралаб қолган, иккинчиси элликдан ошганига беш олти қовун пишиғи ўтиб қўйган икки ошна ҳамшаҳарнинг эса кўзлари олазарак эди. Молга жон, қассобга мой қайғуси, деганларидек, катта оиланинг бошлиғи, бола-чақалик бўлишига қарамай меҳнатдан бўйин товлаб, ҳар-икки уч йилда бир марта "тутқаноғи" тутиб қолиб, каттаси беш марта, кичиги икки марта нариги ёқда "ўтириб" чиққанини кўпчилик билмасди.

Узоқ йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, узоқ Андижондан машаққат тортиб келган Мавжуда ва Нодира исмли аёллар эса олиб келган мол-матоҳини кўтарган нархида сотиб, Шаҳрисабзнинг гилам дўпписидан беш-ўнта олиб қайтишни кўзлаб туришган эди. Икки гумроҳнинг ҳам кўзлагани ўшалар эди. Аёл ожиза, ундан қочса, осон қутулиш мумкин, – деб ўйларди каттаси.

— Биз эса жадалласак, миллионни қўлга киритамиз. Сен мендан ёш ва чопағонсан, ҳув анови муюлишга бориб тур, — деди пичирлаб "Дед Лёха" (лақаби, исмлари ўзгартирилди) ҳамроҳи Ўткирга. — Мен анови водийлик икки аёлнинг сумкасини олиб қочаману, сенга етказаман. Сенга ҳам улушингни бераман...

— Ака милиса билиб қолса, барибир икковимиздан кўради. Сиз ҳам, мен ҳам отнинг қашқасидай маълуммиз.

— Қўрқма, бу атрофда бирорта милиция ходими кўринмайди. Одамлар эса ўз дарди билан овора. Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Буни шаҳар дейдилар, ука, биров кўрса ҳам кўрмасликка олади. Агар қўлга тушиб қолсак, мен сени, сен мени сотмаймиз, бешни ташла, бола пақир. Дадил бўл.

Айни шу пайтда Мавжудахон Нодирахонга ўгирилиб, гап қотди:

— Айланай, сиз мендан енгилоёқ, бирров борасолиб дўппининг нархини билиб келинг. Мен оёғимнинг жичча чигалини ёзай, товоним ёрилиб кетади-я, ўргилай!

— Хўп, майли, эгачи, борсам бораqолай, кўтара арзонроқ берса, оламиз, сиз тугун-тақага кўз-қулоқ бўлиб туринг, – дея Нодирахон пилдираб йўлга тушди. Мавжудахон эса оёғининг чигалини ёзмоқчи бўлди. "Лёха"га эса худо берди. Оёқ учида юриб келиб аёл ёнида турган сумкани олиб қочди. Аёлни уч-тўрт дақиқа ғафлат ўз домига олган эди. Бир чимдим пинак фурсати ўтиб, Мавжудахон сумка йўқлигини сезди. Сездию, беихтиёр додлаб юборди.

— Вой ўлай, ҳамма нарсамиз, пулимиз ҳам, ҳужжатларимиз ҳам сумканинг ичида эди. Ҳозиргина турувди-я. Одамлар ёрдам беринглар. Ҳой, ким бор? Ўғри ҳали узоққа кетмаган.

Қайсидир сергакроқ одам овоз берди: — Ана, чопон кийган, мўйловли одам, қўлида сумка билан қочиб кетяпти...

Афсуски, ҳеч ким ўрнидан қўзғалмади. Гўё ҳамма сеҳрланиб қолгандай кўзини лўқ қилиб турарди.

— Ҳув анови ерда мелисахона бор, ўшанга югуринг, опа, – деди кимдир...

Икки аёл бор-йўғини ўғирлатиб, қон қақшаб қолди. Уларнинг уйга қайтиб кетиши учун ҳам ҳамёнларида ҳеч вақоси қолмаган эди... Айни пайтда эса Лёха жадаллик билан муюлишда турган Ўткирга етиб олган, сумкани бериб, унга тайинлаб улгурганди: — Мановини қўлтиғингга ур. Айланма йўл билан Ёйилма кўчасигача чиқасан, орқангдан етиб бораман. Мен изни йўқотиб одамларни чалғитишим керак.

"Лёха" ҳаялламай унинг изидан етиб борди. "Ёйилма"нинг кимсасиз тор кўчасида Лёха сумкани очиб, ундан 100000 сўм олиб, Ўткирга узатди.

– Иш мана бундоқ бўлади, ука. Энди мен сени, сен мени танимаймиз.

Ўткир "дед"дан сизга қанча қолди, деб сўролмади. Шунисига шукур, дея жўнаб қолдию, шартта эллик мингни харажат қилиб, бошига телпак, устига куртка сотиб олди... Аслида ўша куни икки ошна ҳеч қийналмай ўмарган сумка ва ундаги мол-мулк оз эмас, 1 миллион 550 минг 500 сўмни ташкил этар эди. Шундан бор-йўғи 100000 қўлига теккан Ўткир шошиб қолганди. Бироқ орадан кўп ўтмай у қўлга тушиб, ҳамма айбига иқрор бўлди. Шеригининг қилмишини ҳам очиб ташлади ва суд ҳукми билан қилмишига яраша жазо олди. "Лёха" эса катта пулни ҳазм қилолмай, пана-пастқамда қочиб юриб, охир-оқибат қўлга тушди. Суд жараёнида ўғирлик қилганини сира бўйнига олмади. Ўткирни эса танимайман, деб туриб олди. Гувоҳлар ва Ўткирнинг иқрори эса икки ошнани ҳам бирданига тилига тушов солди. Иссиқ жойни совутгиси келмаган "ошнолар" панжара ортига равона бўлишди. Улар-ку қилмишига яраша жазони олди. Бироқ бир мулоҳаза дилни ўртайди. "Қашқатаёқ" икки ошна бир томони жарликка олиб борадиган йўлга бугун кириб қолгани йўқ. Энди тўғри йўлга тушишдан ҳам умид кам. Ота-она, маҳалла-кўй, ёру биродар, мактаб жамоаси ўз вақтида, ҳали яра мадда олмай, йўл бошида тузатиб олишса бўларди-ку?! Ёки ўғрининг мушуги ноўрин "андиша" офтобида исиниб жон сақлармикан?

**Дилбар МУРОДОВА,**
**ҳуқуқшунос**

Charxi-kajraftor

# ГАЛСТУК ВА ФУТБОЛ

Ҳозирги пайтда ҳар бир киши галстукни замонавийлик белгиси сифатида яхши билади. Лекин унинг қачон пайдо бўлгани ва моданинг асосий таркибига айланганини ҳамма ҳам билмаслиги аниқ. Гап шундаки, галстук дастлаб футбол ватани бўлмиш Англияда вужудга келган. Ўша пайтларда футболчилар шамоллаб қолмаслик учун бўйинларига шойи рўмол — галстук боғлаб олишган. Вақт ўтиши билан футбол қоидалари такомиллашиб, бўйинга галстук боғлаш урфдан қолган. Лекин галстук энди моданинг муҳим белгисига айланган. У эркаклар модасидан муқим ўрин эгаллаганидан буён орадан кўп сувлар оқиб ўтди. Тақдир ишини қарангки, бугун уни эркаклар тугул аёллар ҳам тақишмоқда. Энг қизиғи шундаки, ҳозирда футбол ва галстук ўртасидаги бундай боғлиқликдан камдан-кам одам хабардор.

**Нигора ЧОРИЕВА**

# ЭГРИ НИЯТ ЗАВОЛИ

**СУД ОЧЕРКИ**

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Шу куни маош олган Василий ишхонада бирга ишлайдиган Шамил Муродов билан аввал кафеда ароқхўрлик қилишди, камига яна битта ароқни қўлтиққа қистириб, Шихалевнинг уйига келишди.

Аслида уларни мудҳиш жиноят бу ерга етаклаб келганди.

**2. ҚОРОНҒУДА ТОПИШГАНЛАР**

Нурзия ор-номус, виждонни пулга сотганига анча бўлди. Илгари яширин фоҳишабозлик билан шуғулланган бу сатанг бора-бора очиқчасига бузуқлик қиладиган бўлди. Маҳалладагилар, қўни-қўшни "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида томошабин бўлиб туришгач, унинг "бозори" чаққон бўлиб қолди.

Нурзия собиқ жазмани Рустам Ғаппоров билан бирга яшай бошлагандан кейин ҳам қинғир қилиғини қўймади.

Рустамнинг акалари бир неча марта бундай нопок аёл билан оила қурмаслигини уқтиришди. Лекин илгари судланиб чиққан бўйдоқ йигит ўзи билганидан қолмади.

Аммо 2003 йилнинг ноябр ойида рўй берган воқеа унинг сабр косасини тўлдирди.

**3. ЖИНОЯТ**

Василий Шамилни уйига бошлаб келганда, вақт шомдан ўтиб, атрофга қоронғулик чўккан эди. Энди ароқхўрлар даврасига уй бекаси Света ҳам қўшилганди. Анча кайфи ошиб қолган Шамил Василийга бирор кўнгилхушлик қилмоқчи эканини айтади.

— Бундан осони бор эканми? – деди Василий ўйлаб-нетиб ўтирмай ва уни қўшни уйда яшайдиган Нурзия Валиеваникига бошлаб чиқди.

Уйида эри бўлишига қарамай, қўшниси билан номаълум кимсани нимага шаъма қилаётганини яхши тушунган Нурзия дарров отланиб, меҳмонларга эргашди.

Рустам уни йўлдан қайтаришга ҳарчанд уринмасин, бундан бирон-бир натижа чиқмади.

Йўл-йўлакай дўкондан яна бир шиша ароқ сотиб олган Василий уйга келгач, Шамилнинг мақсадини Нурзияга айтиб, 3000 сўм пул таклиф қилди...

Қисқаси, уй эгалари Нурзия ва Шамилни ёлғиз қолдириб, эшикни устидан қулфлаб, сайрга чиқиб кетишди.

Орадан кўп ўтмай деразадан Рустамнинг Нурзияни чақираётган овози эшитилди. Нурзия эрига эшикни устидан қулфлаб кетишганини, шунинг учун чиқолмаслигини айтди. Шундан сўнг эшикни синдириб ичкарига кирган Рустам Шамилни қўлидаги темир бўлаги билан аёвсиз ура бошлади. Шу пайт орага Нурзия тушди. Бироқ уларни ажратолмагач, у кўчага югуриб чиқди. Унинг ортидан чиққан Рустамни Василий ичкарига судраб кирди.

Иккаласи ҳолдан тойганча бирбирларини дўппослашди. Охири Василий аллақаёқдан қўлига тушиб қолган ошхона пичоғини Рустамнинг бўйнига тортиб юборди.

Бўғзидан тизиллаб қон отилаётганига қарамай, жонҳолатда кўчага отилган Рустам уйнинг охирги йўлагига югуриб борди-да, ҳолсизланиб, ерга йиқилди ва сал фурсатдан сўнг жон таслим қилди.

Jinoyat va jazo

Шундай қилиб, ўта хавфли рецедивист деб топилган Василий Шихалев ўзининг 25 ёшида учинчи марта қора курсига ўтирди.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди шу йилнинг 26 январ куни ушбу жиноят ишини кўриб чиқди. Ашаддий жиноятчи В.Шихалевнинг жиноятига яраша жазо тайинлади.

Номи тилга олинган кимсаларнинг қисматига назар ташласак, аввало, уларнинг нопок ниятлари умрига зомин бўлганини кўрамиз. Демак, ҳаёт ҳар бир инсондан пок мақсад, холис ният ва жавобгарликни ҳис этиб яшашни тақозо этади. Ана шу тамойил бузилган жойда юқорида қайд этилганидек мудҳиш воқеалар келиб чиқаверади.

**Фуркат РАСУЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан Навоий шаҳридаги "FEMIDA" адвокатлик бюроси фаолияти тугатилди.**

**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2004 йил 24 апрел кунги қарори билан фуқаро Ҳошимова Гулнора Ринатовна номига берилган SA 000293 серияли, 289 рақами билан давлат реестрида қайд этилган ҳамда фуқаро Усмонов Санжар Жалилович номига берилган SA 000121 серияли, 121 рақам билан давлат реестрида қайд этилган адвокатлик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар бекор қилинди.**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 3 4 5 6